



MILLIY TIKLANISH

23 (84) 2010 йил 9 июнь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган
www.milliytiklanish.uz



Миллий халқ ўйинлари

Она-Ватанни севиш, уни кўз қорачиғидек асраш, миллий мустақилликни, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини ҳимоя қилиш, ўсиб келаётган ёшларимизни маънан етук, жисмонан соғлом қилиб тарбиялашдек улкан вазифаларни амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш ЎзМТДПнинг асосий мақсадларидан ҳисобланади.



Миллий маданиятнинг ажралмас бўлаги

Анъанавий ўйинлар ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Қадимда халқимиз орасидан кўплаб баҳодир ва паҳлавонларнинг етишиб чиқишида миллий ўйинларимизнинг ўзига хос ўрни бор.



Чет эллардан ҳам буюртмалар тушмоқда

Доно халқимиз «Бўладиган бола бошидан маълум», деб бежизга айтмаган. Анора бувисининг дастёри бўлиш билан бирга, ўқишда ҳам фаол талабалардан. У «Етакчи қизлар клуби» аъзоси, бу ерда қизлар билан бирга миллий ҳунармандчилик бўйича кўргазмалар олиб боришда бошчилик қилади.

3-бет

5-бет

8-бет

МТ

БУГУНГИ
СОНДА:

ЖАРАЁН	2-бет
Навқирон авлод тарбияси йўлида	
Ёшлар ва экология	
ПАРТИЯ ҲАЁТИ	3-бет
Қадрият ва анъаналар	
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ҲАЁТ	4-бет
Янги қонун ижросига бағишланди	
Болаларга сертификат топширилди	
МАЪНАВИЯТ	5-бет
Ширин сўз — жон озиғи	
НИГОҲ	6-бет
Мураббий намунаси	
Заминнинг "яшил қалқони"	
Маънавият — келажак пойдевори	
ХАЛҚАРО ҲАЁТ	7-бет
Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти жаҳон нигоҳида	
Илк парвоз	
КЎЗГУ	8-бет
Кўёш батареясида учади	

ЎЗМТДП ҲАЁТИ

Донолик ва ташаббускорлик

ТАНЛОВНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш, орзу-ўйларини, интилишларини ва қизиқишларини ўрганиш, пировардида эса уларнинг куч-ғайрат ва ақл-заковатини улғу мақсадлар йўлида бириктириш борасида бир қатор лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этиб келмоқда.

Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими томонидан ташкил этилиб, деярли анъанага айланиб улгурган "Донолик ва ташаббускорлик - сиёсий етакчилик мезони" мавзусидаги республика

қўрик танловини ҳам бу борадаги қилинаётган амалий ишларнинг бири дейиш мумкин. Чунки буни танлов қатнашчилари орасидан вакиллик органларига депутатларнинг сайланаётганлиги ҳам яққол исботлайди. Аввал хабар берганимиздек, жойлар-

да ушбу танловнинг шаҳар ва туман босқичлари ўтказилиб, ғолиблар аниқланган эди. Айни кунларда эса бу тadbирнинг вилоят босқичи ҳам якунланди. Айтиш мумкинки, мамлакатимиз хотин-қизлари орасидан истеъдод эгаларини кашф этиш, миллий анъаналар ва қадриятларни самарали усул ва услубларга мувофиқ кенг тарғиб қилиш, аёлларнинг маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш ва сиёсий етакчилик маҳоратини оширишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган мазкур қўрик-танлов ўтган давр мобайнида унда иштирок этган хотин-қизлар ҳаётида катта ютуқ ва ўзгаришлар олиб келганига гувоҳ бўламиз.

Партия аъзолари бўлган, турли соҳаларда фаолият олиб бораётган хотин-қизлар танловнинг вилоят босқичида "Ўзини таништириш", "Глобаллашув жараёнида маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаш муаммоси" ҳамда "Агар мен депутат бўлсам" каби анъанавий шартлар бўйича ўзаро беллашдилар. Тадбир давомида маълум бўлдики, иштирокчиларнинг ўз кучи, билимига ишончи, мамлакатимиз ва дунёда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга қизиқиши, шунингдек, нафақат оила илмида, балки сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва етакчилик маҳорати ҳам кундан кун ошиб бормоқда.

Навқирон Нукус шаҳрининг ёш томошабинлар театри эрталабдан байрам тусини олди. «Донолик ва ташаббускорлик - сиёсий етакчилик мезони» қўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиб келаётган ва танловнинг шаҳар ва туман босқичида ғолибликни қўлга киритган хотин-қизлар саҳнага чиқишди.

2-бет

БИЗНИНГ ШАРҲ

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ШХТнинг минтақада ҳамда дунёда хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризм, сепаратизм, экстремизмга ва ғиёҳванд моддалар савдосига қарши курашиш, Марказий Осиёда стратегик жиҳатдан муҳим минтақада хавфсизликнинг бошиқа таҳдидларига қарши кураш борасидаги ўрни ва аҳамияти йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Ислом КАРИМОВ

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Жаҳон Нигоҳида

Шу кунларда мамлакатимизда бўлгани каби жаҳон матбуотида ҳам Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти фаолияти билан боғлиқ сиёсий ва иқтисодий жараёнлар кенг ёритилмоқда. Бунинг бош сабаби - ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг бўлажак Тошкент саммитидир. Шу тариқа ШХТнинг олий саммити иккинчи бор Ўзбекистон пойтахтида ўтказилмоқда. Бундан 6 йил аввал (2004 йил) Тошкентда ташкилотнинг анжумани ўтказилиб, унда ШХТнинг стратегиясини белгилаб берган муҳим декларация қабул қилинган эди. Демак, ШХТ 2001 йил ташкил этилганлиги инобатга олинса, Тошкентда ўтказилажак олий саммит ШХТ фаолиятидаги ўнинчи анжумандир.

ШХТ тузилгандан бери ўтган даврда ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш, яхши қўшничиликни йўлга қўйиш, минтақада тинчлик, хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлашда салмоқли қадамлар ташланди.

7-бет

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Ёш оила

«БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИДА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом қилиб тарбиялашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.



4-бет

МЕРОС

Биз яшаётган макон энг қадимий маданият марказларидан ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудудидан топилган Селунгур, Обираҳмат, Мачай, Зараутсой, Сармишсой каби маданият манзилгоҳлари, шунингдек, Сурхон воҳасидаги илк ўтроқ деҳқончилик намуналари, Сополштепа, Жарқўтон каби илк шаҳар ва давлатлар фикримизга ёрқин далил бўла олади.

Миллий маданиятнинг ажралмас бўлаги

5-бет

ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон ва Хитой: ҳамкорликнинг янги марралари сари

Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистоннинг мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда эътироф этган, мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 2 январдан бошланган.

Умуман, Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг ривожини ўзининг узок тарихига эга. Буюк ипак йўли даврларидан буён халқларимиз ўртасида савдо ва илмий-маданий алмашинувлар ривожланиб келган. Мустақиллик эълон қилинганидан сўнг

Ўзбекистон-Хитой муносабатлари ўзининг янги, мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш борасидаги уйғун саъй-ҳаракатларини намоён этган фаол ривожланиш босқичига кўтарилди.

Истиқболли ҳамкорлик ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланиб ривожланмоқда. Хитой ҳамisha Ўзбекистон томонидан танланган тараққиёт йўлини қўллаб-қувватлаган. Хитой учун ҳудудий яхлитликни сақлаган ҳолда муҳим ва долзарб бўлган масалаларда Ўзбекистон ушбу мамлакатнинг нуқтаи назарини ёқлаб келади.

2-бет

ALOQABANK — ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

ЖАРАЁН

ЎЗМТДПХАЁТИ

Донолик ва ташаббускорлик

ТАНЛОВНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ НИХОЯСИГА ЕТДИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидлаш жоизки, қизғин кечган беллашувда тадбир иштирокчиларининг саводхонлиги, топқирлиги, донолиги ва ташаббускорлиги томошабинларни бефарқ қолдирмади. Халқимизнинг бебаҳо миллий ва маънавий қадриятларини ўзида акс эттира олган сахна кўринишларининг таъсирчанлиги, иходкорона бажарилган мавзуларнинг долзарблиги ҳаммининг диққатини ўзига жалб қилди. Айниқса, «Агар мен депутат бўлсам» мавзуида тақдим этилган танлов қатнашчиларининг лойиҳалари ўзининг ғоявий ранг-баранглиги ва аниқ режага асосланганлиги билан кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Танловда шартларни бекаму кўст бажарган Эллиқалъа Санъат ва педагогика коллежи ўқитувчиси Сурайё Аитова мутлақ ғолиб деб топилди ва «Дано ва ташаббускор» номига сазовор бўлди.

— Албатта, ғолиблик менга насиб этганидан қувончим чексиз, дейди танлов ғолиби. — Танлов босқичлари мени тарихимизни пухта ўрганишга, халқимиз ўтмиши билан чуқурроқ танишишга, ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигим даражасини оширишга ундади. Яна шуни айтишни истардимки, бугунги ютуғимиз, мамлакатимизда хотин-қизларга яратилаётган шароитлар самарасидир.

Республика Байналмилал маданият марказида бўлиб ўтган кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичида ЎЗМТДП шаҳар кенгаши Ижроия кўмитаси девони раҳбари Мусаллам Умирова сўзга чиқиб, мазкур танловнинг мазмун-моҳияти ва мақсади, уни ўтказиш зарурати ҳақида гапирди. Шундан сўнг туманда фаол иштирок этган 11 нафар хотин-қизлар республика босқичига чиқиш учун ўзаро беллашдилар. Айниқса, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси вакили Умидахон Хўжамқулованинг иккинчи шарт бўйича сахналаштирган «Баркамол авлоди тарбиялашда миллий ўйинларнинг ўрни» номли дастури томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. У республика босқичига йўллангани кўлга киритди.

Тадбир сўнггида барча иштирокчиларга партия шаҳар кенгаши томонидан фахрий ёрлик ва совғалар топширилди.

Қашқадарёда бўлиб ўтган кўрик-танловнинг вилоят босқичи ҳам қизиқарли ўтди. Унда иштирокчилар биринчи шартда томошабин ва ҳайбат аъзоларига бадий чиқишлар орқали ўзларини таништирдилар. Шундан сўнг қатнашчилар гиёҳвандлик, ОИТС, одам савдоси, диний экстремизм каби иллатларнинг оқибатлари ҳамда миллий анъана ва қадриятларимизнинг ёшлар тарбиясига ижобий таъсирини акс эттирувчи сахна кўринишларини намойиш қилдилар.

Тадбир сўнггида ҳайбат аъзолари баҳолари жамланиб, биринчи ўринга Деҳқонобод туманидан Нигора Тоғаева муносиб топилди. Шунингдек, Қарши шаҳридан Шахло Акбарова, китоблик Гуландом Сатторов ва қосонлик Ҳабиба Хушвақтова ҳам партия томонидан фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Партиямиз ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур танлов хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш, бугунги юз бераётган глобаллашув жараёнларига нисбатан фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий соҳалардаги билимларини чуқурлаштириш, бир сўз билан айтганда, ўз имкониятларини рўёбга чиқаришда муҳим қадамлардан бири бўлди, дейди ЎЗМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ойниса Очилова.

— Муҳими, республикамизда хотин-қизларнинг мазкур танловга бўлган қизиқиши борган сайин ортмоқда. Танлов эълон қилиниб, жойларда ўтказилаётган даврдан бери, аъзоларимиз сафи хотин-қизлар ҳисобига бир қадар кўпайгани кўзга ташланмоқда. Бу эса партиямиз томонидан олиб борилаётган тадбирлар самара бераётганлигини кўрсатади.

Шунингдек, мазкур кўрик-танлов ЎЗМТДП Жиззах, Фаргона, Сирдарё, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё ва бошқа барча вилоят кенгашиларда ҳам кўтаринки руҳда ўтказилиб, ғолиблар республика босқичига жиддий тайёргарликни бошлаб юбордилар.

Илья ДИЛЬМАНОВ,
Аброр УМАРКУЛОВ,
«Milliy tiklanish» мухбирлари

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзаро ҳамкорлик муносабатларнинг бутун мажмуини қамраб олган ва дўстона хусусиятга эгадир. Унинг асосида икки давлат раҳбарлари ўртасида шакллланган шахсий ишончли алоқалар ётади. Ўзбекистон билан Хитойнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги бугунги кунда юзага келган таҳдид ва хавф-хатарлар борасида ёндашувларнинг бир-бирига мос ёки яқин келишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Хитой раҳбариятининг Тайван ва Тебет масаласи бўйича, уч ёвуз иллат — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш борасидаги ҳар томонлама ўйланган ва оқилона ташқи сиёсат йўналишини қатъий ва доимий равишда қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон ва Хитой БМТ ва ШХТ каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам икки томонлама асосда фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг Дўстлик ва ҳамкорликнинг шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланган ҳамда келгусида ўзаро алоқаларнинг ривожланиши учун мустахкам пойдевор бўлган 2005 йил 25-27 май кунларида ХХРга амалга оширилган давлат ташрифи Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлиги чуқурлашувининг муҳим босқичи бўлди.

Икки давлат раҳбарларининг ШХТ саммитлари доирасидаги мунтазам учрашувлари навбатдаги йирик воқеаларга айланган. Уларнинг 2009 йил декабрь ойда Туркменистондан Хитойга газ қувурининг ишга туширилиши маросими иштироки чоғидаги томонлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлики, транспорт, энергетика, телекоммуникация, енгил саноат ва қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда шерикчиликни рағбатлантириш борасида янги тақдирларни илгари сурилган учрашуви муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама аҳамият касб этувчи 200 та ҳужжатдан иборат бўлган мустахкам шартномавий-ҳуқуқий база шакллланган бўлиб, у ХХР раиси Ху Цзиньтаонинг юртимизга амалга оширилаётган давлат ташрифи чоғида янада кенгайтирилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда жадал риволанмоқда. Ўзбекистоннинг савдо ҳамкорлари орасида Хитой етакчи ўрин эгаллайди. 2009 йилнинг якунига кўра икки томонлама савдо айланмаси 2051,4 миллион АҚШ долларини, (ўсиш кўрсаткичи 35,8 фоиз), экспорт 489,0

ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон ва Хитой: ҳамкорликнинг янги марралари сари

миллион АҚШ долларини, импорт — 1562,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2010 йилнинг биринчи чораги якунига кўра, икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 407,6 млн. долларга етди, шу жумладан экспорт — 191,7 миллион АҚШ доллари, импорт эса — 215,9 млн. доллар.

Нефть ва газ соҳасидаги сармоявий ҳамкорлик жадал суръатларда ривожланмоқда. Хитой миллий нефть ва газ корпорацияси (CNPC) Орол денгизи сув ҳавзасида, шунингдек рес-

тонда хитой тилини, Хитойда эса ўзбек тилини ўрганиш йўлга қўйилган.

ХХР раиси Ху Цзиньтаонинг Ўзбекистонга 2004 йил июнь ойда амалга оширилган давлат ташрифи чоғида имзоланган ҳукуматлараро битимга мувофиқ, 2005 йилнинг май ойидан бошлаб Тошкентда хитой тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Конфуций номидаги институт фаолият юритиб келмоқда. Мазкур илм масканида ўқувчилар, талабалар, тижорат вакиллари ва илмий ходимлардан иборат 300 дан

ризм» миллий компанияси билан ХХР Миллий туризм маъмурияти ўртасида 2009 йил июнь ойда Ўзаро англашув меморандуми имзоланган. Умумхитой журналистлари уюшмасининг электрон маълумотлари жамланмасида Ўзбекистон маданий ва тарихий осори-атиқалари, шунингдек, туризм борасидаги салоҳиятига оид фото ва видео лавҳалар доимий асосда ўрин олган. 2009 йилда Чжэньчжоу ва Циндао шаҳарларида юртимиз сайёҳлик имкониятларининг тақдиротлари ўтказилди.

2007 йил октябрь ойда Ўзбекистон терма жамоаси Шанхайда ўтган Махсус бутунжаҳон ёзи Олимпия уйинларида иштирок этиб, спортнинг 7 тури бўйича 19 медални кўлга киритди.

2008 йил августда Пекин шаҳридаги Олимпия уйинларида юртимиз терма жамоаси олтига соврин, яъни битта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медалга эга бўлди. Ўзбекистонлик спортчилар ХХР пойтахтида мазкур йили ўтказилган паралимпия мусобақаларида илк бор иштирок этди.

2009 йил июнда Хитойда ўтган бокс бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси иккита кумуш ва учта бронза медалини кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 2 ўринни эгаллади.

Тошкент ва Шанхай шаҳарлари, Бухоро вилояти ва Хубэй провинцияси ҳамда Тошкент вилояти ва Шаньси провинцияси ўртасида шериклик алоқалари ўрнатилган.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ривожига 1998 йилда таъсис этилган «Ўзбекистон-Хитой» ва 2007 йил декабрда ташкил қилинган «ХХР — Марказий Осиё» дўстлик жамиятлари фаол аҳамият касб этаётди.

ХХР раисининг мамлакатимизга амалга оширилаётган давлат ташрифи Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги турли кўламли ҳамкорликнинг кенгайтирилишида янги саҳифаларни очиб бериб, йирик сармоявий лойиҳаларни илгари суриш, дўстлик ва ўзаро ишонч муносабатларини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

«Жаҳон» АА

Навқирон авлод тарбияси йўлида

Президентимиз Исрол Каримовнинг жорий йил 27 январда қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, йигит-қизларни XXI аср талабларига жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш бўйича кенг кўламли вазибалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан мазкур вазибалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида пойтахтимиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг масъул ходимлари иштирокида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан кўплаб тадбирлар ўтказилди. Маҳаллаларда тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, турли ҳалокатли таҳдидлар, диний экстремистик таъсирлардан, «оммавий маданият» ҳуружларидан ҳимоя қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишлари изчил олиб боришмоқда.

Айни кунларда ёшлар билан ишлаш комиссиялари, туман бандлик-ка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, қорхона ва ташкилотлар, ички ишлар идоралари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярамқалари орқали ўнлаб ёшлар ишга жойлаштирилмоқда, битирувчиларга мавжуд иш ўринлари бўйича маълумотлар, меҳнат қонунийлигига оид тегишли маслаҳатлар берилмоқда.

Маҳаллаларда ёшларнинг қизиқиш ва интилишига қараб ташкил этилган нақшошлик, ёғоч ўймакорлиги, дурадгорлик, тикувчилик, пандалик, қандолатчилик, сартарош-

лик, қандакорлик, ганчкорлик, заргарлик каби тўғаракларда кўплаб йигит-қизлар «Устоз-шогирд» анъанаси асосида касб-хўнарсир-асрорларини ўрганмоқда. Хорижий тилларни ўрганиш, компьютер, турли фанлар ва ижодий ишлар бўйича ўтказилаётган машғулотларда эса ёшлар ўз билими ва ижодий маҳоратини янада ошираётди.

Пойтахтимизда 474 фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мавжуд. Уларнинг аксарияти миллия таянч пунктлари билан бир бирода жойлашган. Бу эса ушбу идоралар вакиллари ҳамкорлигида иш олиб бориб, маҳаллаларда ҳам-жихатлиқ, тинчлик ва хотиржамликни сақлашда кўл келмоқда.

Маҳалла азалдан тинчлик-тотувлик, инсонийлик, меҳр-мурувват, бағрикенглик, тарбия маскани. Юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг ушбу ноёб тизимини ривожлантириш, мавқеини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида яқинда пойтахтимиздаги «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий марказида бўлиб ўтган тадбирда уш ҳақда сўз борди. Унда тиббиёт ходимлари, илғор маҳаллалар ва хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор фармон ва қарорлари ижросини изчил таъминлаш, «Соғлом она — соғлом бола» дастури асосида баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, соғлом фарзандни дунёга келтириш ва тарбиялаш, никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари каби масалалар бўйича пойтахтимизда амалга оширилаётган ишларни янада жонлантириш зарурлиги таъкидланди.

Соғлом ва ҳар томонлама етук ёшларни вояга етказиш мақсадида пойтахтимиз маҳаллаларида футбол, волейбол, кўл тўпи, кураш, кўл жанги, бокс ва спортнинг қатор техник ва амалий турлари бўйича спорт секциялари ишлаб турибди. Уларда қатнашаётган йигит-қизларнинг маҳоратини мунтазам ошириб бориш учун турли мусобақалар ташкил этилаётди. Айни кунларда пойтахт маҳаллаларидаги ёшлар ўртасида «Футболимиз келажак» мусобақасининг туманлар босқичи ўтказилаётди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Миробод, Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов, Чилонзор каби туманлардаги «Толариқ», «Чигатой Оқтепа», «Шайхонтоҳур», «Халқлар дўстлиги» сингари маҳаллаларда болалар спорт майдончалари қурилиши давом этмоқда.

Тўрт мингта яқин аҳоли истиқомат қилаётган маҳалламизда жорий йил болалар спорт майдончаси қуриб битказилди, дейди Чилонзор туманидаги «Дўстлик» маҳалласи раиси Султон Мардиев. — Айни кунларда бу ерда фарзандларимиз спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида ҳеч қандам кам бўлмаган, соғлом, интеллектуал салоҳияти юқори баркамол авлодни тарбиялаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг амалий натижасидир.

Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга бағишланган тадбир ташкил этилди. Унда олимлар, мутахассислар ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Ёшлар ва экология

Ўзбекистон экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия кўмитаси раиси, Б.Алихон, халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Б.Дониёров ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг экологик маданиятини юксалтириш юзасидан олиб борилаётган изчил ишлар юксак самара бераётганини таъкидлади. Бу борада қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, табиат муҳофазасига оид қонунийликни такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшлар орасида экологик маданиятни шакллантириш, уларнинг қалбида табиатга меҳр уйғотишда оила ва таълим муассасалари ҳамкорлиги яхши натижалар бераётди. Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан навқирон авлоднинг экологияга оид билиминини бойитиш мақсадида кўплаб тадбирлар — концертлар, иншо ва расмлар кўрик-танловлари, боғ яратиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ акциялар мунтазам ўтказилмоқда.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Тонг юлдузи» газетаси ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари ўртасида эълон қилинган «Онажоним, табиат» республика иншолар танловига тўрт юздан зиёд ижодий иш келди.

Танловда биринчи ўрин Жиззах шаҳридаги 11-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси М.Файзуллаевага, иккинчи ўрин Наманган вилоятидаги 3-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Г.Тошназаровага, учинчи ўрин эса Жиззах вилоятидаги 59-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Ш.Шарофийга насиб қилди.

Тадбир доирасида «Булоқча» болалар экологик журналини нашо сонининг тақдироти бўлди. Эстрада хонандалари ва ижрочи ёшлар концерти намойиш этилди.

(ЎЗА)

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ПАРТИЯ ДАСТУРИ — АМАЛДА

«Баркамол авлод — миллат таянчи». Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан ўтказилаётган йирик анжуманларнинг мақсад-моҳияти ҳам ана шу сўзлар билан чамбарчас боғлиқ.

Миллий халқ ўйинлари

ЎЗМТДП ХУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН
ЎТКАЗИЛАЁТГАН УШБУ ФЕСТИВАЛГА ЁШЛАР
ҚИЗИҚИШИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Алишер РАҲМОНОВ,
Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Milliy tiklanish» мухбирлари



чорлади. Ўйингоҳга қадам қўйган жамоатчилик вакиллари миллий урф-одатларимиз акс этган панноларни, халқ амалий санъати намуналарини томоша қилар экан, уларнинг гуруҳлари юксалди, шу юрт фарзанди эканлигини фохланди. Жумладан, Галлаорол туман ижодиёт маркази ёшлари ясаган миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўпчилигининг эътибори ва эътирофига сазовор бўлди. Бу ҳақда бизга марказ раҳбари Маҳаррам Маматова қуйидагиларни гапириб берди:

Зардўзлик, каштачилик, қуракчилик каби кўл меҳнатидан бунёд бўлган 70 хил маҳсулотни фестивалда кўргазмасига олиб келдик. Тўғарақларда фаолият



юксак маънавиятли авлодни тарбиялашга қаратилганлигини таъкидлаш жоиз. «Миллий халқ ўйинлари» ёшлар фестивалини ўтказиш учун Галлаорол туманининг танлангани бежиз эмас. Тарихий маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, ҳудуддаги қадимги моддий ва маънавий бойликлар, археологик топилмалар Марказий Осиё, қолаверса, бутун Шарқ халқларининг бой меросидан дарак беради. Мо- зийда мана шу ҳудудда ўрнашган «Уструшона - 400 та қалъа ва рабоблар мамлаката» деган гапда ҳам теран маъно бор.

Тадбирда сўзга чиққанлар, партия томонидан ўтказилаётган мазкур тадбирнинг ёшлар қалбида мамлакатимизнинг шонли ўтмиши билан фахрланиш, бугуни ва келажак учун дахлдорлик туйғусини тарбиялашдаги беқийс ўрни ҳақида

ларининг ўнлаб турлари бор, дейди у. - Улар ёшларни бақувват бўлиб ўсишида муҳим роль ўйнайди. Галлаоролда ҳам бундай ўйинларнинг қизиқарли, ўрганса арзийдиган турлари борлигига ғувоҳ бўлдик. Бу ўйинларнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, улар фарзандларимизни ўз Ватанига садоқатли бўлишга ундайди, зарарли одатлар, менталитетимизга ёт бўлган ғояларга эргашишдан сақлайди. Шу боис, миллий ўйинларнинг моҳияти, аҳамиятини ёшларга тушунтириш, тарғиб қилиш бугунги кунда зарур, деб ўйлайман. Шу ўринда партиянинг бу борадаги амалий фаолиятини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Сўхбатимизга Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Галлаорол туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Азамат Қазақов келиб қўшилди.

Партиямиз аъзолари сони асосан фаол ва иқтидорли ёшлар ҳисобига ўсиб бораётгани кувонарлидир. Ҳозир 700 нафар аъзоимиз бор. Бугунги миллий ўйинлар фестивали натижалари ҳам сафимизнинг кенгайишида намоён бўлади, деб ўйлайман. Биз миллий қадриятларимиз бўлган халқ ўйинларига ёшларни янада кўпроқ жалб этишимиз керак. Ушбу тадбиримиз ҳам ана шу мақсадга қаратилиб, ёш авлодни спорт ва жисмоний тарбияга ошно қилишга хизмат қилади.

Фестивалда биринчи ўринни эгаллаган жамоа сардори Собир Тоҳиров фикри билан ҳам қизиқдик.

Мен жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлайман. Ёшларимиз туман, вилоят, республика мусобақаларида фаол қатнашади. Миллий халқ ўйинлари фанга махсус дастур этиб киритилгани айтиш мумкин бўлди. Биз спорт тўғрисидаги миллий ўйинларимиз бўйича маҳоратимизни ошириб келмоқдамиз. Бугунги ютуғимиз ҳам бунинг самарасидир.

Ўртбошимиз Исом Каримов ташаббуслари билан мамлакатимизда спортнинг ҳамма турлари, шунингдек, миллий халқ ўйинларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилляпти. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам бу эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшиш, болалар спортини ривожлантириш, миллий халқ ўйинларини қайта тиклаш, кенг тарғиб қилишни асосий вазифаси деб билади.



Фориш туманида халқ ўйин-

фигр юритдилар.

Сайлда Самарқанд, Сирдарё вилоятларидан ташриф буюрган фольклор-этнографик ансамбллариининг иштирок этганини унинг таъсирчанлигини янада оширди. «Дехқон бобо» сахна кўриниши, лаҳор ва айтишлар даврага фойз бағишлади.

Миллий халқ ўйинлари мусобақаларида иштирок этувчилар махсус кийимда майдонга чиқдилар. Ўғил болалар «Минди», «Елкада кураш», «Кўпқари», «Тош кўтариш», қиз болалар эса «Арқон тортиш», «Уриб қочар», «Арғамчида сакраш», «Бўрон» каби миллий ўйин турлари бўйича беллашдилар. Фориш туманида келган, республика тоифасидаги ҳакам Умрбой Исомов мусобақаларни баҳолашда адолатга амал қилди.

Фориш туманида халқ ўйини- ишлаб чиқариш йўлга қўйлади. Туманда қуракчилик ҳам анча ривожланган. Биргина Қўҳна шаҳар қишлоғидаги Бегандик бобо Жабборов кўп йиллардан буён ана шу касб билан шуғулланиб келади. У киши ҳудудда етиштирилган сур, антика, қурак, шерози, мор каби қурак териларидан телпа ва мўйналарнинг бир неча турларини тайёрлайди. Бегандик бобо «уста-шогирд» мактабини яратиб, ҳозиргача ўнлаб шогирдлар етиштирди. Зеро, партиямиз мақсади ҳам ана шундай «уста-шогирд» мактабларини кенгайтириш ва тарғиб қилишдир.

ЎЗМТДП ХРОНИКАСИ

Қадрият ва анъаналар

ДАВОМИЙЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ КАБИ ДАСТУРИЙ
ВАЗИФАЛАР ТАДБИРЛАРДА
АМАЛИЙ ИФОДАСИНИ
ТОПМОҚДА

ФАРҒОНА

ЎЗМТДП Қўқон шаҳар кенгаши ҳамда ФЖЎИ шаҳар минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамкорлигида «Аёллар ва ёшлар ҳуқуқий маданияти юксалишининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Тадбирда сўзга чиққан халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Н.Усмонова, партия шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Р.Папулов ҳуқуқий маданият тушунчаси, уни юксалтиришдан кўзланган мақсад ҳамда бу борада партия томонидан олиб борилаётган ишлар ҳусусида фикр юритдилар. Шунингдек, семинар-тренингда иштирокчилар «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда аёллар ва ёшлар ҳуқуқий маданиятининг ўрни», «Аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш борасида юзга келаётган муаммо ва тақдирлар» мавзуларида мазҳазлар тингладилар. Семинар давомида турли машғулотлар ҳам уюштирилиб, унда қатнашчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда мавзу юзасидан чиқиш қилдилар.

«Миллий либосларимиз — миллий қадрият» мавзусидаги давра суҳбати ЎЗМТДП Учқўприк туман кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида «Янгиқилиш» ҚФЙда ўтказилди. Унда партия туман кенгаши аъзолари, ёшлар, маҳалла фаоллари иштирок этдилар.

Меҳмондўстлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат сингари гўзал қасдлар эгаси бўлган ҳалқимиз маданият-маънавий ҳаётида миллий либослар ҳам ўзига хос ўрин тутуши тадбирда сўзга чиққан партия туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ш.Эшонқулов, «Ёшлар қаноти» етакчиси Н.Абдурахмонов фикрларида ўз ифодасини топди.

Йиғилишда миллий анъаналардан бири ҳисобланмиш миллий либослар, жумладан мавсумий ва маросим либосларининг маъно-мазмунини ёш авлодга тушунтириш, маданиятимизнинг бир бўлаги сифатида асраб-авайлашни маҳаллаларда кучайтириш муҳим вазифа эканлиги таъкидланди.

ЖИЗЗАХ

Худди шундай йўналишдаги яна бир тадбир ЎЗМТДП Янгибод туман кенгаши ҳамда туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилди. Қизлар ўртасида ўтказилган тадбирда пазандчилик, тикиш-бичиш, миллий хунармандчилик, каби бир неча шартлар бўйича иштирокчиларнинг маҳорати, эҳтилол ва чакқонлиги синовдан ўтказилди. Тадбирда сўзга чиққан партия туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси С.Абдурахмонова, «Ёшлар қаноти» етакчиси И.Хидиров партия дастурий вазифаларида белгиланган мақсадларга кенг тўхталдилар.

Танлов сўнггида фаол иштирок этганлар ва ғолиблар партиянинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

СУРХОНДАРЁ.

ЎЗМТДП Узун туман кенгаши томонидан «Ёш оилалар-келажагимиз пойдевори» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Саломатлик маркази, ФХД туман бўлими ҳамкорлигида «Уланкул» маҳалласида бўлиб ўтган мазкур тадбирда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилашни тақомиллаштириш ҳамда тиббий маданиятни оширишни кенг тарғиб қилиш каби долзарб вазифалар ҳусусида сўз борди. Давра суҳбатидида тумандаги ёш оилалар, никоҳ ёшидаги ёшлар иштирок этиб, улар соғлом ва мустаҳкам оила қуриш, тиббий қўриқ ва никоҳ шартномаларининг аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдилар.

Никоҳ авлодлар давомийлигини таъминловчи омил саналади. Жорий йилда ҳам ажралишлар сони камайиб, никоҳга ариза берган фуқаролар кўпчилиги ташкил этмоқда. Ёшлар ўртасида тиббий қўриқнинг аҳамияти ҳақида олиб борилаётган тушунтириш-тарғибот ишлари ўзининг ихобий самарасини бермоқда,- деди тадбирда сўзга чиққан туман ФХД бўлими мудири Н.Эшбўриева.

Давра суҳбати жонли мулоқот, қизиқарли савол-жавоблар руҳида ўтди.

БУХОРО.

«Оммиавий маданият ва маънавий таҳдидлар» мавзусидаги тадбир ЎЗМТДП Олот туман кенгаши томонидан ёшлар иштирокида ўтказилди. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни менталитетимизга ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш каби мақсад ва вазифаларни ўз олдига қўйган тадбирда партия туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Г.Рўзиков сўзга чиқиб, мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва илмий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва қўллаб-қувватлаш борасида давлатимиз раҳбари раҳнамоларида қўллаб-қувватлаш ишлари ҳақида сўз борди.

Тадбир давомида партия сафига киришга хайрихоҳлик билдирган бир гуруҳ ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

ЎЗМТДП
Ахборот хизмати

АМАЛИЙ ФАОЛИЯТ

Шерзод ҚУРБОНОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Муборак туманидаги Муборак қишлоқ фуқаролар йиғинида 7618 нафар аҳоли яшайди. Аҳоли тарқоқ жойлашгани боис, ҚФЙ туман ҳудудининг 75 фоизини ташкил этади. Оилаларнинг кўпчилиги қисми қуракчилик, паррандчилик, хотин-қизлар эса уй меҳнати, яъни гилам тўқиш, чопон ва дўппи тикиш, каштачилик ва зардўзлик билан шуғулланишади. Миллий хунармандчилик йўналишлари Қўҳна шаҳар, Туркман, Ниёзхон қишлоқларида кенг ривожланган. Туркман қишлоғида яшовчи Севҳол Чориева, Селви Боғиева, Сайёра Худоёрова, Жумасултон Соибова, Ойгул Жоникулова томонидан яратилган маҳсулотлар нафақат нафислиги, балки хариддорлиги билан ҳам туман ва вилоятда ўтказилиб келинаётган турли кўргазмаларда муносиб ўринларни эгаллаб келмоқда.

- Миллий хунармандчилигимизни ри-

Хунармандчилик

УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИШ
БОРАСИДА ЎЗМТДП МУБОРАК ТУМАН КЕНГАШИ ҚФЙЛАРИ БИЛАН
ҲАМКОРЛИҚДА ДИҚҚАТГА САЗОВОР ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА

вожлантириш йўлида партия билан ҳамкорликда олиб борилаётган сай-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, хотин-қизлар, аynиқса, ёшлар орасида бу соҳага қизиқувчилар сони ортиб бормоқда. Қўлигул хунармандларимиз Ўзлари тайёрлаган маҳсулотлари орқали даромад орттириш билан бирга, кўплаб шогирдлар ҳам тайёрламоқда, - дейди Муборак ҚФЙ раиси Нурилла Хидиров.

Дарҳақиқат, ўсиб келаётган ёш авлодга хунармандчиликни ўргатиш мақсадида ЎЗМТДП туман кенгаши ҳамкорлигида ҳудудда тўғарақлар ташкил қилиниб, улар-

га ёшлар жалб қилинмоқда. Бундан ташқари Қўҳна шаҳар маҳалласида 25 нафар хунарманд хотин-қизларга мўлжалланган янги иш ўрни очилиш арафасида.

Маҳалла қошида зардўзлик ва гиламчилик цехи ташкил қилиниши ҳам режалаштирилганми,- дейди ЎЗМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Фароғат Тўраева. - Цех очилиб, ишга тушгач 30 нафардан ортиқ аёлларимиз хунарли бўлиб, иш билан таъминланади. Цехда зардўзлик ва гиламчиликнинг кўплаб турлари, яъни доғруғ, атиргул, шонусхна, хатли гилам ва гиламча нусхаларини

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

Ёш оила

«БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИДА УЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОЙ ХИМОЯСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН



ёрдам беришни мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз томонидан 2010 йилга «Баркамол авлод йили» деб ном берилиши мамлакатимизда ёшларга, қолаверса, ёш оилаларга қаратилган эътиборнинг яққол тасдиғидир. Баркамол авлод йили Давлат дастуридан жой олган муҳим масалалардан бири бу ёш оилаларнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватланишидир. Давлат дастурида ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш, давлат мулкidan самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида ниҳоддан ўтганига камидан 3 йил бўлган ёш оилаларни уй-жой куриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун имтиёзли ипотека кредитлари билан таъминлаш, 2010-2011 йиллар мобайнида Нукус шаҳри, ҳар бир вилоят маркази ва Тошкент шаҳрида фойдаланилмаётган бино, ётоқхона ва бўш турган хоналар базасида 32 та

АНЖУМАН

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида суд экспертизаси соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, бугунги кунда юксак илмий савия, ҳолис ва аниқ ҳулоса берадиган замонавий техник база ва юқори аниқликдаги аналитик мосламаларга эга бу тармоқнинг одил судловни таъминлашдаги аҳамияти беқиёс. Шу боис соҳанинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда.

Янги қонун ижросига бағишланди

Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2010 йил 1 июнда имзоланган «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонун бу борадаги муҳим қадам бўлди. Суд экспертизаси институти билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган ушбу қонун демократик принципларга асосланган, судлов ишини юритиш турларидан қатъи назар, суд-экспертлик фаолиятини тартибга соладиган умумий нормаларни, шунингдек, суд эксперти ва унинг ҳулосасининг мустақиллигини таъминлайдиган нормалар ва бошқа қоидаларни ўз ичига олувчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мазкур қонун ижросига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда вазирлик тизимига кирувчи муассасалар, жумладан, Х.Сулаймонова номидаги республика суд экспертизаси маркази, худудий адлия бошқармалари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Адлия вазирининг ўринбосари Ғ.Хидоятлов, Республика суд экспертизаси маркази директори С.Отаҳжоев давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган суд экспертизасига оид янги қонун мустақил демократик давлат ҳуқуқ тизимини янада тақомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

«Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонун суд-экспертлик фаолиятининг асосий принциплари, давлат суд-экспертизаси муассасаси раҳбари, суд экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суд экспертизасини ўтказиш, суд-экспертлик фаолиятининг молиявий, ташкилий, илмий-услувий ва ахборот билан таъминланиши билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олган.

Тадбирда янги қонун мамлакатимизда суд экспертизасининг изчил ривожланиши, экспертлик тадқиқотларининг жаҳон стандартларига мос, замонавий илмий даражада ўтказилишида муҳим омил бўлиши алоҳида таъкидланди. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

СЎРАГАНЭДИНГИЗ...

Мусодара

У МОЛ-МУЛККА ҚАРАТИЛГАНДА ҚАНДАЙ ТАРТИБ ВА ҲОЛАТЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

«Оммавий ахборот воситалари орқали Давлат Божхона ёки Солиқ қўмиталарининг ахборот хизматлари тарқатган хабарларда мамлакатимизга турли хил ноқонуний йўллар билан олиб келинган товар моддий бойликлар ушлангани ва судлар воситасида давлат фойдасига мусодара қилингани ҳақида ўқиб ёки эшитиб қоламиз. Ана шу ушлаб қолingan мол-мулклар аини пайтда қандай асос, тартиб ва ҳолатларда амалга оширилади? Шунини билмоқчи эдик».

Аҳмад СОЛИЕВ,
Андижон вилояти.

Амалдаги қонунларга кўра, республикамиз ҳудудига ноқонуний йўллар билан олиб келинган товар моддий бойликлар ваколатли органларнинг қарорларига асосан тегишлилиги бўйича давлат даромадига ўтказилади ёки белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида»ги Низом республика қонунларига мувофиқ давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сақлаш, баҳолаш, сотиш, шунингдек, йўқ қилиб ташлаш тартибини белгилайди. Мазкур Низомга асосан қонунбузилиш ҳолатлари аниқланганда дастлаб мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисида ваколатли орган мансабдор шахс томонидан баённома тузилади. Мазкур далолатномага асосан олиб қўйилган мол-мулкларни бир сутка муддатда сақлаш учун жойлаштириш масаласи ҳал қилинади. Олиб қўйилган мол-мулкнинг истёғмол, фойдаланиш, қайта ишлаш учун яроқчилигини экспертизадан ўтказиш, шунингдек, уни баҳолаш мақсадида мансабдор шахс уч сутка, тез бузиладиган товарларга нисбатан эса бир сутка мобайнида эксперт ва баҳоловчининг тайинлайди. Эксперт ва баҳоловчилар олиб қўйилган мол-мулкларнинг баҳосини аниқлайди.

Мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисидаги материаллар қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатда мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш ёки уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган тегишли суд ёки бошқа ваколатли орган (мансабдор шахс)га берилади.

Мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш ёки уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилган суд ёки бошқа ваколатли орган ўзи чиқарган қарор кучга кирганидан сўнг, кейинги кундан кечиктирмай ижро этиш учун тегишли Суд департаментининг туман (шаҳар) бўлимига юборади.

Мол-мулкни давлат даромадига ўтқа-

МУРУВВАТ

Болаларга сертификат топширилди

«Ҳар бир фарзандга-меҳр, эътибор!» махсус ҳафталиги доирасида «Sen Yolg'iz Emassan» Республика болалар жамғармаси ўқув марказини таъминлаган ёшларга сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирidir. Бу борадаги эзгу ишларда ота-она меҳридан бебаҳра ўғил-қизлар, ижтимоий, тиббий ҳимояга муҳтож оила фарзандларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрнини топишига яқиндан қўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимизнинг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарорига биноан юртимиздаги умумтаълим, болалар мусиқа ва санъат, спорт мактаблари, бадий ижодиёт марказлари, мактабдан ташқари таълим муассасалари, меҳрибонлик ва мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатлар, оилавий поликлиникалар, болалар шифоналари тубдан таъмирланиб, зарур жиҳозлар ва техникалар билан таъминланмоқда.

«Sen Yolg'iz Emassan» Республика болалар жамғармасининг ўқув маркази ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг умумий фанлар бўйича қўшимча таълим олиши, билимини мустаҳкамлаши, уларни ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунарга йўналтириш, болаларнинг таълимдан ташқари вақтини тўғри ва умумий ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Марказнинг умумий фанлар, замонавий ва миллий-рақс тўғараклари, медиамарказ, тасвирий ва амалий санъат, театр студияларида 160 нафардан ортиқ ёшлар қўшимча таълим олиш ва ўз иқтидорларини намойиш этиш имконига эга.

— Мен марказнинг математика ва компютер технологиялари тўғраги машғулотларида иштирок этиб келаман, — дейди пойтахтимиздаги 22-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Ситора Курбонова. — Ҳуқуқшунослик ва тарих фанига меҳрим бўлакча. Математика ва информатика фанидан сал оқсаб, фанларни тўлиқ ўзлаштири олмаганим сабабли марказ машғулотларига қатнашаман. Назаримда, бугунги кунда ҳар бир ўқувчи қайси соҳани танлашидан қатъий назар ахборот коммуникацион технологиялар йўналиши ва интернет сирини-сиринидадан воқиф бўлиши ҳамда замон билан олға қадам ташлаши керак. Марказдаги машғулотлар мактабда олган билимимни янада мустаҳкамлашида муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир доирасида ўқув марказ тўғаракларига аъзо болалар иштирокида театрлаштирилган мусиқий дастур намойиш этилди.

«Туркистон-пресс»

КИЛМИШ-ҚИДИРМИШ...

Бошинг тўйдан чиқмасин, дейишди кексаларимиз. Дарҳақиқат, ўзбекнинг яхши кунни тўй билан ўтади. Топганини тўйда тўқадиган ҳам ўзимиз. Бугунги кунда тўйларимиз кўриниш жиҳатдан замонавийлашиб бормоқда. Талабга яраша таклиф деганларидек, тўйларни ташкил этиш ва ўтказиб бериш билан шуғулланувчи ишбилармонлар ҳам талайгина.

Текширувдан аён бўлди

Саидобид Усмонов ҳам ана шундайлардан. У Собир Раҳимов туман ҳокимияти «Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси»дан «Тўй ва маросимларни ташкил этиш» фаолияти бўйича давлат рўйхатидан ўтган яқна тартибдаги тадбиркор. Шу кунга қадар пойтахтимиздаги «Лангар нур сервис» МЧЖга қарашли бинонинг иккинчи қаватини ижарага олиб, аҳолига турли маросимларни ўтказиш бўйича хизмат кўрсатарди.

Департаментнинг Собир Раҳимов тумани ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда яқна тартибдаги тадбиркор Усмонов фаолияти давомида аначгина ноқонуний ишлар қилгани аён бўлди. У жиноий шериги «Лангар нур сервис» МЧЖ директори Зафар Салихов билан биргаликда давомли қонунбузарликлар қилиб келгани аниқланди. 3.Салихов 2009 йилнинг 28 декабрь кунги фуқаро Ғ.Темировдан кўрсатилган хизмат учун 800 минг сўм олиб, авазига нозарат касса машинасига тенглаштирилган чек ёзиб беради. Текширув натижасида аён бўлишича, гарчи яқна тадбиркор ДСИДан №3068 рақами билан рўйхатга олинган чек дафтарчасини олган бўлса-да, фуқаро Темировга рўйхатдан ўтмаган қалбаки дафтарчадан чек ёзиб бергани маълум бўлди. Бундан ташқари, келишилган 7.490.000 сўмдан фақатгина 2.156.000 сўми банк муассасасига инкассация қилиниб, қолган қисми бошқа эътиёжлар учун ишлатиб юборилди. Бу ҳаракати билан ҳам тартибдаги тадбиркор Усмонов ҳамда Салихов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 280-сонли қарори талабларини қўпол равишда бузган.

Суд мажлисида судланувчилар Усмонов ва Салихов ўз айбларига тўла иқдор бўлиб, қилган ишдан пушаймон бўлгани аниқ. Аммо энди кеч, улар жиноят кодексининг 189-моддаси 2-қисми «б» банди билан айбдор деб топилиб, катта миқдордаги жаримага тортилди.

И.ХАЛБЕКОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани суриштирувчиси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: «Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва

Оила кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам инсон манфаатлари, унинг ижтимоий ҳимояси, айниқса, ёш оила ва унда вояга етadиган келажақ авлоднинг маънавий-моддий баркамоллиги асосий ўрин тутати.

ҳамжихатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир».

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»да оила муҳофазаси давлат зиммасига юклатилган муҳим вазифалар қаторидан ўрин олган. Шунингдек, у кенг маънога эга. Унда оилани жамиятнинг табиий ва асосий қўйи ҳужайраси сифатида дахлсизлигини таъминлаш, болаларга таълим ва тарбия бериш, оналар ва ишга яроқсиз оила аъзолари учун зарур бўлган моддий имтиёзлар туғдириш ва оилани мустаҳкамлаш каби муҳим масалалар назарда тутилди. Мамлакатимиз Конституцияси, унинг асосида қабул қилинган Оила кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам инсон манфаатлари, унинг ижтимоий ҳимояси, айниқса, ёш оила ва унда вояга етadиган келажақ авлоднинг маънавий-моддий баркамоллиги асосий ўрин тутати. Зеро, келажақ авлод айнан оилада камол топади, ўзи туғилган ва вояга етган оиласи орқали дунёни танийди. Шу боис ҳам оиланинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиши жамият ва давлат ривожига бевосита таъсир кўрсатади.

Маълумки, ёш оила, ёш оналик ва болалик муҳофазаси Ўзбекистонда давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу масалага давлатимиз томонидан жамиятнинг асосий вазифаси сифатида қаралади. Масалан, мамлакатимизда ҳар йили 230-235 минг атрофида ёш (янги) оила вужудга келиб, ўртача 700 мингдан зиёд бола туғилади.

Юртимиздаги оилаларнинг 35 фоиздан ортигини ёш оилалар ташкил этади. Ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш учун 2007 йилда тижорат банклари орқали 5 фоизлик кредитлар асосида 10 млрд. сўм маблағ ажратилди. Республикаимизда мустақиллик

йилларида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар замирида ҳам ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Президент томонидан 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 апрелдаги «Қишлоқ жойлардаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларга қорамолни бепул бериш шартлари тўғрисида»ги Низом ва улар асосида амалга оширилган

Мамлакатимизда ҳар йили 230-235 минг атрофида ёш (янги) оила вужудга келиб, ўртача 700 мингдан зиёд бола туғилади. Юртимиздаги оилаларнинг 35 фоиздан ортигини ёш оилалар ташкил этади. Ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш учун 2007 йилда тижорат банклари орқали 5 фоизлик кредитлар асосида 10 млрд. сўм маблағ ажратилди.

кўплаб тадбирлар, ёш оилалар, аёллар, кўп болали ва ёлғиз оналарга давлат томонидан берилган моддий ва маънавий ёрдамлар соғлом авлодни тарбиялаш учун замин яратмоқда. 1998 йилда республика «Оила» илмий-амалий марказининг ташкил этилиши, ўз навбатида мамлакатимизда оилага тааллуқли бой ва сермазмон миллий анъаналарни асраб-авайлаш, уларни умумбашарий кадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онига чуқур сингдириш йўли билан оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муаммоларини илмий ўрганишни ва фуқароларга аини шу масалада амалий

қавартира ёш оилаларга, кейинчалик сотиб олиш учун ижарага берилмоқда.

Никоҳ маросимларини тантанали ўтказиш учун шарт-шароит яратиш, ФХДЭ органлари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида республика миқёсида 42 та замонавий «Бахт уйи» мажмуасини куриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда ва яна 1-синф ўқувчиларини ўқув анжомлари тўплами, кам таъминланган оилалардан мактабга қатнайдиган ўқувчиларни кишки кийим-кечак билан бепул таъминлаш назарда тутилган. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида республика миқёсининг ҳар бир тумани (шаҳри)да 10 та кам таъминланган оилага тўй ва оилавий тантаналарни ўтказишда қўмаклашади.

Шунингдек, мактабгача муассасаларни замонавий мебеллар билан жиҳозлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ҳар бир туманда камидан 50 та кам таъминланган ёш оилага бир бошдан бепул қорамол ажратиш масалалари режалаштирилган.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда соғлом оилани шакллантириш, оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт - шароит яратиш ёшларни оила куришга тайёрлаш, оила мустаҳкамлиги ва манфаатларини таъминлаш, соғлом фарзанд ўстириш, тарбиялаш ва вояга етказиш масаласи бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилгани шубҳасиз.

Умид САДИЛЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

МАЪНАВИЯТ

МЕРОС



Миллий маданиятнинг ажралмас бўлаги

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу жумладан, ўзбек халқ аънавий ўйинлари ҳам узоқ тарихга эга бўлиб, ибтидоий жамият давридаёқ шаклланиб келган. Аънавий ўйинлар ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Қадимда халқимиз орасидан кўпгина баҳодир ва паҳлавонларнинг етишиб чиқишида миллий ўйинларимизнинг ўзига хос ўрни бор. Ота-боболаримиз фарзандларини умумбашарий туйғулар, миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда аънавий халқ ўйинларидан самарали фойдаланган. Аънавий халқ ўйинлари кенг омманнинг ижодий меҳнати натижасида вужудга келган, минг йиллар давомида турли хил қўринишларда оммалашиб, халқнинг ижтимоий ҳаёти, миллий хусусиятлари, қолверса, маиший ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда шаклланиб келган. Шунинг учун ҳам аънавий ўйинларнинг келиб чиқиши, тарихи, келажак авлод тарбиясидаги аҳамиятини таъкидлаш этиш бугунги этнография фани учун долзарб масала ҳисобланади.

Аънавий халқ ўйинларини тўплаш, илмий таҳлил қилиш ота-боболаримизнинг

нинг баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги қадимий ва илғор аънавлари тиклаш ва ўрганишда муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Айни шу нуқтаи назардан унутилган халқ ўйинларини тўплаш, қайта тиклаш ва ҳаётга жорий этиш баркамол авлодни вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Сурхон воҳаси аънавий ўйинларини учта катта гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи, бирор предмет асосида ўйналадиган ўйинлар: «дўл», «чиллик», «арғимчоқ», «тиқмоқ», «ошиқ», «га-нош», «кўрпа ёпти», «кўчмоқ», «оқ суяк», «гирбайди» ва ҳоказо. «Бобол-така», «чиркаш», «бекинма-чоқ», «оқ теракми кўк терак», «қувлашмачоқ», «зим-зиё» эса предметсиз ўйналадиган ўйинлар сирасига киради. Учинчиси эса ўртада бирорта шарт қўйиб ўйналади. Айрим ўйинлар мавсумий бўлса, айримлари йил давомида ўйналади.

Сурхон воҳаси аънавий ўйинлари — томошалар ҳақида ўрта аср ёзма манба-ларида ҳам маълумотлар учрайди. Нафақат болалар, балки, катталарга хос ўйинлар ҳам бўлган. Аънавий халқ ўйинлари ёшларни жисмоний бақувват, сергак, қўқмас бўлишга, ақлини ўстириш, тез фикрлаш, топқир ва зукко

бўлишга ўргатган.

Масалан, «Чиркаш»ни ана шундай ўйинлар сирасига киритиш мумкин. Унда болалар ўртача олти-саккиз нафардан икки гуруҳга бўлиниб, бири қочса, бири қувлайди. Ҳар бир бола гуруҳдаги болалардан бирини қувиб етиши ва унинг бирон жойига оёғини теккизиши шарт. Камида беш-олти нафар болага етиб оёғини теккизганда гуруҳга ғалаба қозongan ҳисобланади. Сўнгра ақсинча, иккинчи гуруҳ қувлаб, биринчиси қочади. Ўйин шу тартибда давом этади. Агар қочаётган болаларнинг бири чақонлик қилиб қувлаётган болаларнинг ўрта-сидан кесиб ўтса, орқадаги болалар асир тушган ҳисобланиб, ўйиндан чиқиб кетади. Қолганлар ўйинни давом эттиради. «Оқ суяк» ўйини эса болаларни қоронғу тунда қўқмас, тез илғай оладиган ҳамда чаққон бўлишга ўргатади. Ўйин, асосан, ой тўлишган тунда ўйналади. Ўйинда болалар икки гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳда ўн-ўн икки нафардан бола бўлади. Ўйинда олиқлик суяк танланиб қоронғуликка отилади. У ахтарилаётганда рақиб гуруҳдаги болалар кузатиб туради. Суякни топан бола «топдим» деб бақирганидан сўнг маррага қараб чопади. Агар

рақиб гуруҳдаги болалар етиб келиб қочишнинг иложини қилолмаса, илқини узоқ масофага улоқтиради. Суякни қайси гуруҳдагилар маррага олиб келса ғалаба қилган ҳисобланади. Ўйин шу тарзда давом этади.

«Тикмоқ» ўйини болаларда сезгирлик, ҳушёрлик, топқирлик ҳамда фаҳм-фаросатни шакллантиришда ўзига хос ўрин тутади. Болалар бешдан ўн нафаргача бўлиб икки гуруҳга бўлинади. Икки гуруҳ қатор тизилишиб, ўртада бир йўлакча микдорда жой қолдириб ўтиради. Биринчи гуруҳдан бир киши икки кафтининг орасига дўпписини яшириб, ўз гуруҳдаги болаларнинг оёғи орасига икки кафтини тикиб кетаверади ва кафтида яширган дўпписини ўзи хоҳлаган бола оёғи орасига яшириб жойига ўтиради. Ана шундан сўнг рақиб гуруҳдаги болалардан бири ўрнидан туриб, қаршисидаги болалардан бирига «сенда» деб оёғи орасига қўлини солиб кўради. Дўппини аниқ топган бола ёки гуруҳ ғалаба қилади, тополмаса энгиллади. Тополмаган болани эса тўрт киши оёқ-қўлидан ушлаб ғалаба қозongan гуруҳ устидан кўтариб ўтади. Ана шу пайтда болалар ўтирган жойидан ютказган болани оёғи билан туртишга ҳаракат қилади. Ўйин шу зайдда давом эттирилади.

«Чиллик» болаларни ўта чаққон, сергак, эпчил ва чидамли бўлишга ўргатади. Унда болалар олти ёки саккиз нафардан бўлиб икки гуруҳга тақсимланади. Теккис майдон ўртасида айлана чи-зилиб, айлана ўртасида чу-курча қилинади. Чилликнинг узун таёғи «энасоб» беш қарич узунликда, қичик таёғи «болочик» эса бир қарич узунликда бўлади. Биринчи гуруҳдан бир киши айлана-нинг ичига кириб, чуқурчага «болочик»ни кўндаланг қўйиб, энасоб билан хоҳла-нади. Сўнгра ақсинча, ик-кинчи гуруҳ қувлаб, бирин-чиси қочади. Ўйин шу тар-тибда давом этади. Агар қочаётган болаларнинг бири чақонлик қилиб қув-лаётган болаларнинг ўрта-сидан кесиб ўтса, орқадаги болалар асир тушган ҳисобланиб, ўйиндан чиқиб кетади. Қолганлар ўйинни давом эттиради. «Оқ суяк» ўйини эса болаларни қорон-ғу тунда қўқмас, тез илғай оладиган ҳамда чаққон бўлишга ўргатади. Ўйин, асосан, ой тўлишган тунда ўйналади. Ўйинда болалар икки гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳда ўн-ўн икки на-фардан бола бўлади. Ўйин-да олиқлик суяк танланиб қоронғуликка отилади. У ах-тарилаётганда рақиб гуруҳ-даги болалар кузатиб тура-ди. Суякни топан бола «топ-дим» деб бақирганидан сўнг маррага қараб чопади. Агар

учун отади. Айлана ичидаги биринчи гуруҳдаги бола яна туширмасликка ҳаракат қилади. Айланага иккинчи гуруҳ «болочик»ни туширса, ўйинни шу иккинчи гуруҳ ян-гидан бошлайди. Тушира олмаса, биринчи гуруҳдан айлана ичидаги бола «боло-чик»ни уриб юборса, «боло-чик» тушган жойга боради ва уни қўлга олиб, ерга кўндаланг ҳолатида ташлай-ди ва «энасоб» билан «боло-чик» ерга тушгунча уради. «Болочик»ни неча марта ур-ган бўлса, «энасоб» билан «болочик»ни шунча марота-ба узоқликка итқилади. Ик-кинчи гуруҳ болалар урил-ган «болочик»ни ерга тушур-май ушлашга ҳаракат қила-ди. «Болочик»ни ерга тушир-май ушлаша ютган ҳисобла-ниб, ўйинни янгидан бош-лайди. «Болочик» урилган-дан кейин унинг ҳар бир ту-шган жойига иккинчи гуруҳ-дан бир киши туради. Ўйин-ни давом эттираётган би-ринчи гуруҳ ҳисобни «боло-чик»ни ушлатмасдан охири-га етказса, иккинчи гуруҳ «болочик»ни охиригисидан бошлаб ҳар бир тушган жой-ига бир нафасда «зувув» деб овоз чиқариб етиб келиши керак. Бунда ўйиннинг ҳалол бўлишига алоҳида эътибор берилган, яъни қолиб гуруҳ энгилганларнинг ортидан югуриб боришган ва улари-нинг нафас олиш-олмаслик-ларини назорат қилишган. Бунда ҳар бир гуруҳ аъзоси бошқалардан кўра тезроқ ва узоқроққа қолиб боришга ҳаракат қилган. Шу тарзда чидамлилик, эпчиллик ҳамда тезлик каби жисмоний си-фатлар шаклланиб, Бордою бир нафасда етиб келолма-са мағлуб ҳисобланган. Ҳар бир гуруҳ «зувув» деб бир нафасда етиб келолмаган гу-руҳнинг тўхтаган жойидан ўйинни яна давом эттирган.

Хулоса қилиб айтганда, аънавий ўйинлар ўзбек халқининг бир неча минг йил-лик ижодий маҳсули бўлиб, миллий маданиятимизнинг ажралмас бир қисмига ай-ланган. Президентимиз Ис-лом Каримов ибораси би-дан айтганда: «Миллий аъ-навий ўйинлар, дин ва маданиятни қайта тиклаш ва мустақам-лаш, халқимиз маънавий ме-росини ривожлантириб, уни ҳозирги замон цивилизаци-яси ютуқлари билан бойи-тиш» ҳамда ҳаётга татбиқ этиш ҳаммаиз, қолаверса, ЎзМТДПнинг Дастурида бел-гиланганидек асосий вази-фаларидан биридир. Бу эса ёш авлоднинг ақл-идроки, дид-фаросати, тафаккурини ўстиради, жисмонан бақув-ват қилади.

Сайфулла ТУРСУНОВ,
ТермизДУ
кафедра мудири,
тарих фанлари
доктори,
профессор, ЎзМТДП
Сурхондарё вилояти
кенгаши аъзоси

МИЛЛИЙ КАДРИЯТЛАРИМИЗ

Бахши қадрини халқ билур,
Халқ қадрини мард билур.

Анъанага садоқат

Тўй-тантаналаримиз ҳамisha турли маросимлар, анъаналар, халқ оғзаки ижодиёти, миллий ўйинлар билан ҳамоҳанг ва уйғун ҳолатда ўтган. Кўпқари чопилган, қураш берилган, келинни қувёнинг хонадонига ёр-ёр айтиб олиб келганлар. Келин билан қувё олов атрофидан айлантирилган, шу гулхан атрофида халқ-нинг ажойиб қўшиқ ва рақслари ижро этилган, қизлар бир тараф бўлиб, йигитлар бир тараф бўлиб ўлан айтган, болалару момолар ўзларининг қизиқ-қизиқ урф-одатлари билан ҳаммани куддириб тўйга файз кирит-ган. Аммо, тўйларнинг файзию кўрки, салобатию кўри бахши бўлган. Ҳамқишлоқлар, ҳамюртлар, қариндош-уруғлар учун тўй бир баҳона: бахшнинг дўмбира созини, ички овоз билан айтувчи гўзал қўшиқларию ажойиб достонларини эшитиш учун келганлар. Бир сўз билан айтганда бизнинг тўйларимиз катта маърифий аҳамиятга молик бўлган.

Тоштемир ТУРДИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, ЎзМТДП
Денов туман кенгаши ИК раиси

Агар фалончининг тўйига фалон бахши келибди, дейилса нафақат бир, ён-атроф қишлоқ одамлари ҳам от миниб, туя кўмлаб, тўйга айтилса ҳам, айтилмаса ҳам келаверган. Тўй эгасининг ҳовлиси чорроқ бўлса бир қанча ҳовлилар бир-бирига қўшиб юборилган. Аммо бахшнинг дўмбира оҳанглари, бадиҳа билан оқиб келадиган шеърый тизмалари камоли эҳтиром ва диққат билан тинланган.

Тўғри, ҳозирда санъатнинг юзлаб тури тараққий қилган, не-не хонандалару созандалар бир-бирдан ўзаётган, бир-бирининг овозини босиб, шўхтар пиллапояларидан кўтарилаётган, фан-техника мисли кўрилмаган даражада ривожланиётган, одамларнинг онг даражаси неча минг асрларни қувиб ўтган бир асрда яшашимиз. Лекин сир эмас, ҳозир тўйларда ҳам, концерт залларида ҳам ёшларнинг қонини жўштирадиган, ўрта ёшли ва кексаларнинг қулоғини қоматга келтирадиган шовқин-ли, саёз мусиқа ва қўшиқлар урф-га айланиб бормоқда.

Президентимиз «Юсак маънавият — энгилмас куч» асарида айни шу ҳолатга эътибор қаратиб: «Ҳозирги вақтда ахлоқ-сиёсийлик маданият деб билиш ва ақинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбия-сига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бами-соли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хурружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмақда». Қола-верса, ЎзМТДП Дастурида «Биз миллий тикланишнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил қилувчи миллатнинг ўзига хос ижтимоий-маданий жиҳатлари-мизни сақлаб қолишга интили-шимиз лозим», дейилади.

Гап аънавларимиз, қадриятларимиз устида борар экан, ёшларимизда уларга нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотишимиз лозим. Анъана ва қадриятга ҳурмат-эътибор ўз-ўзидан шаклланимайди. Анъана ва қадриятга ҳурмат уларни давом эт-тириш, яъни яхшиларини ҳам истифода, ҳам тарғиб-ташвиқ қилишимизни тақозо этади.

Сиз уйингизда ўтирибсиз. Айтайлик, уйнинг тўрида девор-га ажойиб лавҳалар тегилиб, палак қоқилган. Унинг ҳар бир қатм ипагига, ипак билан бе-залган гулларига, ундаги қуёш ва юлдузлар рамзига ҳавас би-лан қарайсизу, қойил деб кўясиз. Биласизми, бундай шоху сўзанани тикиш асосида ўтмишдаги меҳнаткаш ва жафо-каш момоларингиз неча ойлар мобайнида бир-бирлари билан мулоқотда бўлиб, гўзал ва ҳаё-лий эртақлар, шеърятнинг энг гўзал ва дилбар намуналарини яратганлар. Бунинг устига сўза-на тегилиши замирида ва унинг ҳар бир қатм ипагида кимнинг-дир тарихи, ўтмиши, меҳнати, эҳтимолки, шашқатор кўз ёш-лари борди. Шу сўзана устида хонадонингиздан ўтган кимнингдир дутори қолгандир. Унинг ясаилиши онларида рўй ташвиш ё не мўъжизалар рўй берганини биламизми? Уста

одамларнинг завқини кўзгата-диган дутор ясаб учун қанча-дан-қанча бақатерақдан пайра-ха чиқарган ва ўша йўниланг ёғочларнинг энг мумтози - оҳанг берадиганини ишлатган. Битта дуторга шинаванди устанинг беш-олти йиллик вақти кетган. Ўша дутор неча-неча одамлар-нинг завқини оширган, руҳ ба-ғишлаган, қувонч, дард-алам-ларига шерик бўлган. Гўзал ма-қом-куйларимиз, турли оҳанг-ларимиз XX асрнинг бошлари-гача оғиздан-оғизга ўтиб кел-ган ва айни шу даврдан сўнг нотага олинди, келажак авлод-ларнинг дахлсиз мулки бўлиб қолди. Ёки адабиётимиздаги классик мерос бизнинг асри-мизда системалаштирилди. Халққа тақдим этилди, ўрганил-ди, таъдиқ қилинди.

Шу ўринда бир-мисол келти-риш мумкин. Халқ ўртасидаги ривоятларга қараганда, бир чўпон қўйларини ҳайдаб катта ҳовуз бўйига келибди. Чўпонга охиқ бўлиб юрган қиз ҳам шу ҳовуздан сув олаётган экан. Чўпон билан қиз ҳовуз бўйида ўлан айтишади:

- Ётиб-ётиб гап отсам,
Қулоқлар солгин-а,

Чўпонжон,
Сариға тариг мен бўлиб
Очилиб кетдим-а чўпонжон?

- Қанорда тариг сен бўлсанг?
Жўшали қаклик мен бўлиб
Териблар есам қайтасан?

- Жўшали қушлар сен бўлиб,
Олғир қушлар мен бўлиб,
Олиблар есам қайтасан?

- Олғир қушлар сен бўлсанг,
Беаёв овчи мен бўлиб,
Тўрга тушурсам қайтасан?

- Беаёв овчи сен бўлсанг,
Қўрқаламуш мен бўлиб
Тўрингни кессам қайтасан?

- Қўрқаламуш сен бўлиб,
Толғира пишак мен бўлиб
Олиблар есам қайтасан?

- Талғир пишак сен бўлиб,
Қоралар кўппак мен бўлиб,
Бир қунлар олсам қайтасан?

- Қоралар кўппак сен бўлиб,
Сорилар қолпон мен бўлиб
Олиблар есам қайтасан?

- Сорилар қолпон сен бўлсанг,
Чайир мерганлар мен бўлиб
Отиблар олсам қайтасан?

- Чайирлар мерган сен бўлиб,
Кулча илон мен бўлиб
Чақиблар олсам қайтасан?

- Кулча илон сен бўлиб,
Мурчага марбон мен бўлиб
Авраблар олсам қайтасан?

- Азроилим сен бўлиб,
Олло таолло ёр бўлиб
Буйруқ қилмаса қайтасан?

Анъаналаримиз, миллий ўйинлар, миллий қўшиқлар, бах-шчилик санъати, барча-барча-си халқ маънавиятини юксалти-ради. Мардликни, Ватанга нис-батан бўлган муҳаббатни уйғо-тади ва санъат сифатида аср-лар оша халқ руҳиятини, тари-хини, қаҳрамонлик даврларини ўзида мужассамлаштиради.

ОДОБ

Ҳар бир халқнинг ўтми-ши, ўзига хос тарихи бўла-ди. Ўтмиши қанчалик бой, ранг-баранг бўлса «ҳаёт да-рахти» ҳам шунчалик буй чўзади. Шунинг учун ҳам тарих «ҳаёт даракти»нинг бақувват томирларига қиёс қилинади.

Розия АСРАЕВА

Мустақиллик тарих қатларида тул-роққа қоришиб ётган асл ҳақиқат-лар - нодир китобларни, боболари-миздан қолган бой меросни нафа-қат ўрганиш, балки асраб-авайлаш, ҳаётга татбиқ этиш, авлодларимиз-га эсон-омон етказишга кенг йўл очиб берди.

Аждодларимиздан бизга яна шун-дай бебаҳо мерос қолганки, уни ҳеч бир нарсга билан қиёслаб ҳам, ўлчаб ҳам бўлмайди. Бу одоб, ахлоқ, ши-рин муомала, сўз сехри ва фасоҳати каби кишини қомилликка етакловчи инсоний муносабатлардир.

Буюк боболаримиз бизга туҳфа қилиб қолдирган нодир асарлар қаторида айниқса, Имом Бухорий қолдирган бой мерос алоҳида ўрин тутади. У киши катта машаққат билан тўплаган ҳадисларнинг асосий қисми одоб-ахлоқ масалалари, инсон маъ-

Ширин сўз — жон озиғи

навияти билан боғлиқ муаммоларга қаратилган.

Қолаверса, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари бадиятнинг юксак намунаси ҳисобланади. Унда шoir фикри гўзал образлар, ҳаётий ўхшатиш ва лўнда истиоралар, таъ-сирчан тимсоллар билан зийнатлан-ган. Юсуф Хос Ҳожиб сўз қудратини нозик даражада ҳис этади:

Тил арслон турур,
кўр ешиқда ятур,
Ая эвлуг, арсиқ бошингни еюр.
(Тил ҳовлида (яъни қарасда)
ётган арслон кабудур,
Эй, қарасдаги (маккор)
вахший бошингни ейди.)

Шoir тилни арслонга ўхшатиши билан китобхонни катта бир хавф-дан - ёмон ва беҳуда сўзлашдан му-тафаккирона огоҳлантиради.

Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибаб ул-ҳақойиқ» асари ҳам тил одоби маса-лаларининг ёритилишида муҳим манба ҳисобланади. Аҳмад Югна-кий ўз асарида тил одобида доир махсус боблар ажратган. Улардан бири «Тилни тийиш ва ахлоқ-одоб ҳақида» деб аталади. Кейингиси эса «Ақлдан озиш, тил жароҳати ва уни тийиш ҳақида» деб номланган. Шу ўринда қуйидаги тўртликни келти-риш ўринлидир:

Хиродликму бўлур тили
бўш киши,
Тилим бошни еди бу тили,
сўз буши.
Ўчуктурма эрни тилин бил
бу тил,
Башақ турса бутмас, бутар
ўқ боши.
(Тили аччиқ кишининг ақли
етук бўладими,
Тил ва сўз захари кўп
кишиларнинг бошини еди.
Кишини ўчақитирма (унинг)
тилини бил,
Бу тил яраси тузалмайди,
ўқ жароҳати эса битиб кетади.)

Кўриниб турибдики, тил ва нутқ одоби ҳеч қачон эътибордан четда қолмаган. Жамият аъзолари ўртаси-даги энг муҳим алоқа юсотиеси бўлган тил ҳақидаги Аҳмад Югнакий айтган фикрлар ҳалигача ўз кучини йўқот-маган. Улар ҳозирги кунда ҳам таъ-лим-тарбия жараёнида сиз билан бизга кўмак беради.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Му-ҳокамат ул-луғатайн», «Маҳбуб ул-қулуб» ва бошқа кўплаб асарлари ўзбек тилидаги нутқ маданияти-нинг гўзал намуналари саналади. Навоий сўз қадрини бениҳоя улуғ-лаган ва унинг қудратини ҳаётлик чоғидаёқ намоён эта олган улуг сиймо эди. Шу боис Алишер На-

воий ёзадилар:

Сўздирки, нишон берур
ўлиқка жондин,
Сўздирки, берар жонга
хабар жондин,
Инсонни сўз айлади
жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ
йўқ ондин.

Инсон одоб-ахлоқини белгилай-диган асосий омиллардан бири сўз ва нутқ маданиятидир. Алишер На-воий яна сувнинг мазаси муз била, одам яхшилиги сўз била, ошнинг мазаси тўз била, одам яхшилиги сўз била, дейдилар.

Боболаримиз қолдирган ана шун-дай маънавий дурдоналарни ўқиш, уқиш, ўзаро ҳурмат, самимийлик, ҳокисорлик, ростўйлик, камтарлик, ширин муомала, мулоиймлик, шарм-ҳаё, гўзал луф ва одоб каби кўплаб олийжаноб сифатларни ўзлаштириш, тарғиб-ташвиқ ва амал қилиш ҳар биримизнинг бур-чимизга айланмоғи лозим. Қола-верса, ота-боболаримиздан қолган ана шундай бой меросни мактаб, коллеж ва олий таълим тизимида ўрганиш, наинки ёшларимизни, ҳар бир инсонни ахлоқий баркамоллик-ка етаклаши шубҳасиз.

СПОРТ

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни маънан ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, навқирон авлодни соғлом турмуш тарзига жалб қилиш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан муносабатини шўғулланиши учун қўлай шароит яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Булар, албатта, жойларда ўз самарасини бермоқда.

Мураббий намунаси



Зокиржон Тўйчиев Фаргона водийсида таниқли курашчилардан саналади. Республика, Осиё ва жаҳон чемпионатлари совриндори, кураш бўйича спорт устаси ва фахрийси Зокиржон ҳамон мусобақаларда фаол қатнашиб келади. 2009 йил октябрь ойида Тошкент шаҳрида белбоғли кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашиб фахрли 3-ўринни эгаллади. Бу албатта, устознинг издошлари бўлган шогирдлари, ўқувчилари учун ибрат намунасидир.

Зокиржон Тўйчиев 8 йил Бешариқ туман халқ таълими бўлимига қарашли Ўсмирлар ва болалар спорт мактабиде мураббий вазифасида ишлаб келди. Сергайрат, ташкилотчи спортнинг жонкуяр фидойиси бўлган Зо-

киржон Тўйчиевни 1988 йилда мактаб директори вазифасига тайинлашди. У ишни мактаб жамоасига етук ва иқтидорли мураббий кадрларни жалб қилишдан бошлади. Мактаб биносини қайтадан таъмирлашга бош-қош бўлди. Янгидан бокс, белбоғли кураш, бадий гимнастика, волейбол бўлимларини ташкил этди. Ўша пайтда 250 нафар ўқувчи бўлса, ҳозирда уларнинг сони 676 нафарга етди. Бокс бўйича туманда 1 нафар жаҳон чемпиони ва 1 нафар Осиё чемпиони етишиб чиқди. Ҳозирга келиб мактабда таълим олган ўқувчиларнинг 40 нафари Ўзбекистон чемпиони номига мушарраф бўлди. Чемпион бўлган 6 нафар ўқувчи олийгоҳларга имтиёзли равишда имтиҳонсиз қабул қилинди.

Қашқадарё ва Хоразмда ўтказилган «Умид ниҳоллари» республика мусобақасида Ҳаким Узоқов, Даврон Эрматов, Олим Пайғамов 1-2-ўринни эгаллади. Бадий гимнастика бўйича хотин-қизлар ўртасида Муҳаббат Мадалиева раҳбарлигидаги 25 нафар ўқувчилар жамоаси 2-ўринга сазовор бўлди. Шу йиллар давомида 1 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 14 нафар спорт устаси, 100 нафардан ортиқ спорт усталигига номзод етишиб чиқди. Ҳозирда 676 нафар ўғил-қиз 22 нафар мураббийдан эркин ва белбоғли кураш, бокс, бадий гимнастика ва волейбол сирларини ўрганиб келмоқда. Албатта, бунда 32 йилдан буён мураббий вазифасида ишлаб келатган Иброҳим Назаров, Санжарали Тошматов, Самижон Ҳамидов, Муҳаббат Мадалиева, Муҳаббат Ҳамидова каби устоз-мураббийларнинг хизматлари катта. Вилоятда ўтказилган эркин кураш бўйича мусобақасида Саиджамол Самиев, ака-ука Ҳасан ва Ҳусан Азимов 1 ва 2-ўринни эгаллади. Шу йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида Амир Темур хотирасига бағишлаб ўтказилган белбоғли кураш мусобақасида мураббий Самижон Ҳамидов раҳбарлигида тайёрланган 30-мактаб ўқувчиси 55 кг. вазндаги курашчилар орасида фахрли 1-ўринни эгаллаб, Ўзбекистон чемпиони унвонини олишга мушарраф бўлди.

Суратларда: Мактаб директори Зокиржон Тўйчиев ўқувчилар билан.

Тургунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат

ТАБИАТМЎҶИЗАЛАРИ

Тут — бебаҳо дарахт

Ҳозир тутларимиз фарқ пишган пайт. Айниқса, оқ (Балх) ва қора (Шотут)ларни айтмайсизми. Юртимизнинг қайси бир гўшасида бўлсанг, албатта, тут мевасидан тановул қилмай қайтмайсиз. Ёки бозорларимиз расталаридаги оқ тут, шотутларни кўриб иштаҳангиз очилиб кетганини сезмай қоласиз.

Марҳамат МАТБАФЕВА, «Milliy tiklanish» жамоатчи мухбири

Отам раҳматли ҳовлимиздаги оқ тут меваларини ҳар тонг эрталаб туриб тановул қилардим. Бунинг боисини биз фарзандлар қизиқиб сўраганимизда отам: «Тут юракка малҳам, белга қувват беради, танадаги касалликлардан халос қилади» деб айтди.

Тут мевасини териш усули ҳам антиқа. Катта бўз матонинг икки тарафи 2-2,5 метр узунликтаги ёғоч дастага маҳкамланиб устига тут меваси силкитиб қоқилади. Мевалар очқ ҳавода ёйиб қуритилади. Ундан майиз, шинни ва мураббо ҳам тайёрланади. Тут илдизидан танасига, баргидан мевасига қайтадан ва бебаҳо дарахт ҳисобланади. Унинг хосиятини санаб адоғига етиш қийин. Бу дарахт барги ипак курти учун асосий озуқа ҳисобланади. Ажабланирмиз, ипак курти тутдан бошқа бирорта дарахт баргини истеъмол қилмайди. Унинг ёғочни пишиқлиги ва қаттиқлиги жиҳатдан шамшот дарахтига қийсланади. Ота-боболаримиз азалдан тут ёғочидан бешик, турли чолгу асбоблари, коса ва қошиқлар ясашган. Тут дарахтининг ёғочи мебелсозлик саноатида ҳозир ҳам қиммабаҳо саналади.

Тут тутдошлар — Моргасеае оиласига мансуб. Унинг бўйи 15-20 метргача етади. Юз, баъзан 200 йилгача яшайди. Республикаимизнинг айрим қишлоқларида ёши 250-300 йиллик тут дарахтлари борлиги қайд этилган.

Тут жуда қадимий дарахт ҳисобланиб, дастлаб Хитойда, сўнгра Ўрта Осиё, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон, Эрон ҳамда Кавказортда ўстирилган. Европада тут экиб ўстириш XII асрдан бошланган. Мутахассислар маълумотига кўра, уларнинг 24 турли мавжуд бўлиб, шундан республикамизда 5 таси ўстирилади ва унинг фақат 2 таси, яъни оқ ва қора тут (Ибн Сино шом тутти деб атаган) истеъмол қилинади. Таъкидлаш жоизки, бизда тутнинг асосан ана шу икки тури экиб ўстирилади, лекин ёввойиланган ҳолда ҳам учрайди.

Тут меваси эрта баҳорда пишиб етилади. Халқимиз: «Тут пишиғича етказгин» деб бежиз дуо қилмайди. Оқ (Балх) ва қора (Шотут)нинг меваси ва ҳатто, барги ҳам шифобахш ҳисобланади. Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари»да оқ тутни тилга олади. Халқ табибатида оқ тутнинг барги ва меваси кўп ишлатилади. Оқ тут барги таркибида 77,2 — 147,6 мг. фоиз витамин С, эфир мойи 35-56 фоиз, ошловчи моддалар, турли хил микроэлементлар бор.

Абу Али ибн Сино оқ тут баргидан анги-нага, барги ширасидан эса тш оргига малҳам сифатида фойдаланган. Оқ тут меваси халқ табибатида қонни тозаловчи ва кўпайтирувчи, сийдик ҳайдовчи, ичакларни мустаҳкамловчи, юрак фаолиятини яхшиловчи ва иситмани туширувчи восита сифатида қўлланиб келинган.

Кейинги йилларда оқ тут меваси миокардиодистрофия — юрак мускул қисқари-шининг сусайишини даволашда яхши натижалар бермоқда. Юрак мускуллари яллиғланган беморларга ҳар кун 200-350 г.дан яхши пишган оқ тут мевасини еди-риш тавсия қилинади. Оқ тут мевасидан олинган шинни фармацевтикада дорилар тайёрлашда ишлатилмоқда.

Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари»да шотут хусусида ҳам тўхталиб, оқ тут иссиқ-лик, шотут совуқликдир, дейди. Шотутнинг баргини ток ва қора анжир барги билан биргаликда ёмғир сувида қайнатиб олган-дан кейин сочи қора ранга бўйашда ишлатиш тавсия этилади.

Шотут меваси оғиз ва томоқда шишларнинг пайдо бўлишини тўхтатувчи дори, барги томоқ оғриғига даво ҳисобланади. Шотутнинг айнакча барги фойдали. Шотут барги таркибида 164,6-370 мг., С ва В² витамини бор. Қуритилган барглари майдалаб, овқат ёки қатққа аралаштириб истеъмол қилиш, қанд касаллигига шифо бўлади. Шу жумладан, уни қайнатиб исит-малаган ёки шамоллаган беморларга ичирилса тўхтатади.

Меваси ва шарбати бўғма (дифтерия), қизилча (скарлатина), чанқоқни босувчи ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади. Илдизи ва пўстлоғи жигар, қанд касалликлари учун шифобахш ҳисоб-ланади.

Тут баргларида илмий тиббиётда холосас ўрнида жигар ва ўт қоли касалли-клари (сарик касаллиги, холецистит ва бошқалари) даволашда ишлатиладиган доривор препаратлар олинган ва ана шу касалликларга қарши ишлатиш учун тавсия қилинган.

Халқимиз азалдан тут мевасидан шинни, шарбат ва тут майизи тайёрлаган. Ҳозирда тутлар мевасидан саноатда турли хил қандолат маҳсулотлари, шарбатли ичим-ликлар, мурабболо тайёрланмоқда.

ЭКОЛОГИЯ

Заминнинг “яшил қалқони”

ЁХУД ЎРМОН ХЎЖАЛИГИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Сайёрамизда табиий мувозанатни сақлаш, атроф-муҳит мусаввотидаги таъминлаш ва барқарор ривожланишга эришишда ўрмонлар бемисл аҳами-ятга эга. Ҳозирги кунда ер юзиде 4 миллиард 126 миллион гектар ўрмонзор мавжуд. Ушбу яшил бой-ликни асраб-авайлаш ва улар майдонини янада кен-гайтириш жаҳон ҳамжамияти олдиде турган дол-зарб вазифалардандир.

Олимжон ҚАҲҲОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

Юртимиз ҳудудининг эса 19 фоизини ўрмон заҳиралари ташкил этади. Минтақамиз та-биатида ҳар бир дов-дарахт ва гиёҳнинг ўз ўрни бор. Ми-сол учун тоғда арчазорлар, саҳ-рода саксовулзорлар, дарё бўйлариде тўқайлар тупроқ тар-кибини яхшилаш, сувни асраш ва чорва-озуқа базасини мус-таҳкамлашга хизмат қилади. Республикаимиз ўрмонларининг ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳам ранг-баранг. Кўл, шаршара, шифобахш булоқлар, дарёлар мавжлашиб турган ўрмонзор-ларда оромгоҳлар, дам олиш уйлари, саёхатчилар маскан-лари ҳам ташкил этилган. Ушбу бебаҳо яшил бойлигимизни муҳофазалаш, кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш-ни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги ва-зирлиги ҳузуридаги ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг ўрмон хўжалиги ходима-ри томонидан ҳар йили 40 минг гектардан кўпроқ янги ўрмон-зорлар барпо этилмоқда. Қарийб ўттиз минг гектар ерда биологик усулда зараркунан-да ва касалликларга қарши ку-раш олиб боришмоқда. Бир юз эллик тоннага яқин дарахтлар ва буталар уруғи, 30 миллион донадан зиёд манзарали ва мевали дарахт кўчати етишти-рилмоқда. Айни кунларда мам-лакатимиз ўрмон хўжалиги хо-димлари 2006-2011 йилларга мўлжалланган дастур асосида иш олиб бормоқдалар. Унда юртимизда ўрмонзорларни барпо этиш ва кенгайтиришда ҳар бир минтақаниннг ўзига хос

табиий шароити алоҳида эъти-борга олинган. Орол денгизи-нинг суви чекиниши туфайли ҳосил бўлган шўрхоқ ерлар аниқланиб, уларга шароитга мос ўсимлик ва дов-дарахтлар экишга киришилди. Бундай тадбирларни амалга ошириш-да мамлакатимиздаги табиати-ни муҳофазалаш идоралари, халқаро ва жамоат ташкилот-лари, илмий-тадқиқот муасса-салари мутахассислари билан бир қаторда ўрмончиларимиз ҳам фаол иштирок этаётир. Уларнинг саъй-ҳаракати билан Оролнинг суви қуриган ерла-рида яратилган ўрмонзорлар-даги гармселни қайтарётган, зарарли тузларнинг ҳавога кўтарилишини олдини олаёт-ган саксовуллар бўйи қисқа вақт мобайлида 5-6 метрга етиб қолди. Бошқача айтган-да, шўрхоқ кумликларда эко-тизм тикланиб, ўт-ўланлар қўлаймоқда, ҳаёт кеңиришининг табиий шароити юзга кела-ётгани туфайли ҳайвонлар пай-до бўлмоқда.

Албатта, саҳрода бундай бар-қарор экологик вазиятни юзга келтиришда саксовул, черкез, қандинг сингари чўл ўсимликлари муҳим ўрин тут-ади. Ҳатто 70-80 даража ҳази-рамада ҳам яхши ўсадиган ушбу мўъжизавий дарахтлар-ни заминнинг «яшил қалқони» деб аташ мумкин. Ушбу ўсим-ликларнинг табиий мувозанат-ни сақлашдаги муҳим аҳамия-ти эътиборга олиниб, ҳар йили юзлаб гектарга уларнинг уруғи сепилиб, миллионлаб кўчат олинапти. Дунё миқёсида экологик ва-

Биринчи галда, шифокорлар сингари банк ходимларидан ҳам маънавий етук бўлиш талаб эти-лади. Миқозлар ва ҳамкорлар билан муомала маданияти рисо-ладагидек бўлиши зарур.

Иккинчидан, эътибор берган бўлсангиз, ҳар бир миллий бай-рамимизни банклар ўзига хос равишда кутиб оладилар. Яъни, байрамлар муносабати билан турли омонат турларини жорий этади. Бунда омонатини шу банк-да сақловчи миқозларга юқори даражада фоизлар тақлиф эти-лади. Бу бир томондан миқоз-лар моддий манфаатдорлиги, пировардида, аҳоли турмуш да-ражасини оширишга хизмат қилса, иккинчи томондан халқ-имизнинг ўша байрамларга бўлган меҳр туйғуларини янада жўш ур-диради.

Бўлғуси банк ходимининг ин-теллектуал салоҳиятини оши-риш, деғанда, унинг соҳа сирла-рини пухта ўрганиши билан бир қаторда маънавиятимиз дурдо-наларини ҳам қалбига ҳо эти-шини англамоқ лозим. Муҳта-рам Президентимиз Исрол Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» китоби бу бора-да барча ёшлар учун муҳим ман-ба ҳисобланади. Китобда мил-лий маънавиятимизнинг назар-ий асослари, асл моҳияти жуда теран ёритилган. Унда миллий маънавиятимизнинг бутун моҳия-ти содда ва раvon тилда асослаб берилган. «Маънавият — инсон-ни руҳан покланиш, қалбдан улға-йишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақув-ват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотга-дан бекис қуч, унинг барча қарашларининг мезонидир, де-сак, менимча, тарихимиз ва бу-гунги ҳаётимизда ҳар томонла-ма ўз тасдиғини топиб бораёт-ган ҳақиқати яқол ифода этаган бўлмасиз, — деб ёзади Юртбоши-миз. — Менинг назаримда «маъ-навият» тушунчаси жамият ҳаёти-даги гоёвий, мафқуравий, маъ-рифий, маданий, диний ва ахло-қий қарашларни ўзида тўла му-

БАРКАМОЛАВЛОДОРЗУСИ

Маънавият — ҳар қандай билимнинг муҳим пойдевори ҳисобланади. Камо-лот ёшига етаётган ҳар бир йигит-қиз қайсики касбини танламасин, орзулари камолот чўққисига эришишда маънавият ва маърифат бамисоли икки қанот бўлиши шубҳасиздир. Айтайлик, эл меҳрини қозонган шифокор ҳақида одамлар нима дейишса эътибор беринг. «Шифокорнинг дорисидан ҳам ширин муомаласи кўпроқ малҳам!» Ширин муомала — маънавиятнинг асл меваси-дир. Мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим бўғини ҳисобланган банклар фаолиятини ҳам маънавиятсиз тасаввур эта олмайсиз.

Маънавият — келажак пойдевори

жасам этади. Шунинг учун ҳам бу мавзуда фикр юритганда, маз-кур қарашларнинг барчасини умумлаштириб, кенг маънодаги «маънавият» тушунчаси орқали ифода этиш мумкин».

Маънавиятнинг мазмун-моҳи-яти ҳақида турлича таърифу тав-сифлар ўқиганмиз. «Юксак маъ-навият — энгилмас куч» китоби-да унинг бутун мазмун-моҳияти очиб берилгани маънавий ола-мимизни янада бойитишга ёрдам беради. Асарни мутолаа қилар экансиз, маънавият инсон қалбига она сути, унинг аллеси билан киришини англайсиз. Маъ-нан етук инсон бўлиш учун ҳар бир инсон аввало ўзлигини ан-глаши муҳимлигини хос этасиз. Ойлада, мактабда, сўнг турли таълим муассасаларида, меҳнат фаолияти жараёнида инсон маъ-навияти қай даражада юксали-ши инсоннинг ўзига ҳам боғлиқ эканлигини тушунасиз. Ватанга муҳаббат туйғуси, фаол фуқаро-лик позицияси мустаҳкам инсон маънавий етук бўлар экан.

Бир кун бекатда ўзаро суҳ-батлашиб турган талабаларни кузатдим. Бир қиз эғлиб, ердан нимадир олди-да, дастурмолча-

зият кескинлашиб бориши билан бевосита алоқадор юр-тимиздаги мавжуд экологик муаммолар ечимини топиш-да ўрмон хўжаликлари муҳим ўрин тутати. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги бошқарувини стратегик ривожланиши ушбу соҳага доир қонун ва қарор-лар асосида амалга ошири-либ келинмоқда. Ҳозирда ўрмонларни бошқариш қонун-чилиқ доирасида фуқаролик-хуқуқий, маъмурий-хуқуқий ҳамда табиат муҳофазаси жи-ҳатидан бошқарилмоқда. Кел-гусида бу борадаги чора-тад-бирларни янада ривожланти-риш учун ислохотларни босқ-ичма-босқич амалга ошириш-га асосланган янги уйни қур-масдан эскисини бузма тамойилига амал қилиш зарур бўлади. Шунингдек, кадрлар сиёсатини олиб бориш, соҳа-га инновацион лойиҳаларни киритиш, ҳамда илмий ва чет эл тажрибаларини кенг жорий этиш муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда яшил бой-лигимизни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар, ободонлаштириш, кўкалам-зорлаштириш бўйича қилина-ётган кенг қўламли ишлар эко-логик мусаввотики таъмин-лаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, пире-вардида инсон саломатлиги-ни асраш ва барқарор ривож-ланишга эришиш йўлида хиз-мат қилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнлари ва инсон омили-нинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш ҳам юртимизда амалга оширила-ётган экологияга оид сиё-сатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки юртимизда экологик му-возанатни таъминлашга йўналтирилган бундай илмий-амалий тадбирлар билан бир қаторда атроф-муҳитга етка-зилаётган салбий таъсирлар-ни ўз вақтида бартараф этиш, табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ижроси-ни таъминлаш ҳар биримиз-нинг фуқаролик бурчимизга айланиши лозим.

ФАОЛИЯТ

Шифобахш сув барчага манзур

маликликлар
эҳтиёжини
қондирмоқда

Анорбой НОРҚУЛОВ, «Milliy tiklanish» мухбири

Сирдарё туманидаги Малик қишлоғида бундан бир неча йил муқаддам маъданли сув манбаи топилиб, уни шу жойнинг доирасида амалга ошири-либ келинмоқда. Ҳозирда ўрмонларни бошқариш қонун-чилиқ доирасида фуқаролик-хуқуқий, маъмурий-хуқуқий ҳамда табиат муҳофазаси жи-ҳатидан бошқарилмоқда. Кел-гусида бу борадаги чора-тад-бирларни янада ривожланти-риш учун ислохотларни босқ-ичма-босқич амалга ошириш-га асосланган янги уйни қур-масдан эскисини бузма тамойилига амал қилиш зарур бўлади. Шунингдек, кадрлар сиёсатини олиб бориш, соҳа-га инновацион лойиҳаларни киритиш, ҳамда илмий ва чет эл тажрибаларини кенг жорий этиш муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда яшил бой-лигимизни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар, ободонлаштириш, кўкалам-зорлаштириш бўйича қилина-ётган кенг қўламли ишлар эко-логик мусаввотики таъмин-лаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, пире-вардида инсон саломатлиги-ни асраш ва барқарор ривож-ланишга эришиш йўлида хиз-мат қилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнлари ва инсон омили-нинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш ҳам юртимизда амалга оширила-ётган экологияга оид сиё-сатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки юртимизда экологик му-возанатни таъминлашга йўналтирилган бундай илмий-амалий тадбирлар билан бир қаторда атроф-муҳитга етка-зилаётган салбий таъсирлар-ни ўз вақтида бартараф этиш, табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ижроси-ни таъминлаш ҳар биримиз-нинг фуқаролик бурчимизга айланиши лозим.

Корхонаниннг бир ойлик маъданли сув ишлаб чиқариш қуввати 170 минг литрни ташкил этмоқда. Йил охиригача эса жамоада бир соатда 5000 литр ҳажмдаги сувни пластик идишларга қадоклайдиган, янги автомат линия ишга туширилади. Ана шунда йил давомида истеъмол-чиларга 12500 дона пластик идишлардаги шифобахш сув етказиб берилди.

Корхонаниннг ишга тушиши шарофати билан 15 нафар, қишлоқ ёшлари доимий иш ўринларига эга бўлдилар.

МАДНА**АЛИМОВА,**

Тошкент Банк
коллежи ўқитувчиси

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти жаҳон нигоҳида

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Бу ҳар томонлама ўзаро ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва чуқурлаштириш, турли соҳаларда ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш

Қилинган ишлар, жорий йилнинг 10-11 июнь кунлари Тошкентда бўлиб ўтиши режалаштирилган саммит ШХТнинг ривожланишида янги, яъни амалий ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва кўп қиррали ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалаларига жиддий эътибор қаратиш босқичи бўлади, дейишимизга асос яратмоқда.

жараёнида яққол намоён бўлмоқда. Мана бир неча йилдирки, ШХТнинг доимий ишловчи органлари – Пекиндаги ташкилот котибияти ва Тошкентдаги Минтақавий ахсилтерор тузилмаси ўз фаолиятини самарали давом эттирмоқда.

ШХТ миқёсида савдо-иқтисодий алоқа бўйича узоқ муддатга мўлжалланган (20 йил ва ундан ортиқ) кўп томонлама дастур ҳаётга татбиқ этилмоқда. 2001-2010 йиллар мобайнида бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ва бошқа манфаатдор давлатлар билан алоқа ўрнатиш йўлида муваффақиятли қадам қўйилди. Жумладан, Ўзбекистон раислиги давомида БМТ, АСЕАН, Осиё Тараққиёт банки, Осиё-Тинч океан ҳавзасидаги давлатларнинг иқтисодий ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилди.

Қилинган ишлар, жорий йилнинг 10-11 июнь кунлари Тошкентда бўлиб ўтиши режалаштирилган саммит ШХТнинг ривож-

ланишида янги, яъни амалий ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва кўп қиррали ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалаларига жиддий эътибор қаратиш босқичи бўлади, дейишимизга асос яратмоқда. Мамлакатимиз ШХТнинг таъсисчиларидан бири

си, трансчегаравий дарёлар билан боғлиқ масалалар, айниқса, Афғонистондаги воқеаларга катта эътибор қаратилди.

ШХТнинг олий анжуманларида афғон муаммосининг сиёсий ечими кун тартибидан мустаҳкам жой олиб келмоқда. Муҳтарам Президентимиз барча халқаро тadbирларда, шу жумладан, ШХТнинг саммитларида ҳамisha Афғонистон муаммосига алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар. «Биз Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бутун Марказий Осиё минтақасини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ҳаётий муҳим муаммоларни ечиш учун катта имкониятлар очиб берадиган хавфсизликнинг ҳал қилувчи омили эканини яхши англаймиз», деб таъкидлаган эди Ислон Каримов.

Ташкилотнинг Тошкент саммити бу «Тошкент руҳи»нинг давоми ҳамдир. «Тошкент руҳи» - бу тинчлик, миллий тотувлик, эзгулик ва дўстлик деганидир.

ШХТ – бу жаҳон, аввало, минтақавий тинчликка хизмат қилаётган нуфузли ташкилотга айланди. Албатта, ташкилот миқёсидаги иқтисодий ҳамкорлик, аъзо давлатлар ўртасидаги интеграциявий жараёнлар кўп жиҳатдан афғон муаммосининг ижобий ечимига боғлиқ. Шу боисдан ҳам ШХТ фаолиятида Ўзбекистон томонининг Афғонистон бўйича илгари сураётган таклифлари юқори баҳоланган ва ҳамон бу масалага жиддий эътибор берилмоқда.

Хусусан, Афғонистон муаммосининг ижобий ечими масаласида Ўзбекистон илгари сурган 6+2

гуруҳини 6+3 гуруҳига айлантириш ташаббуси ШХТда, хусусан бу ташкилотдаги БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари – Россия ва Хитойда юқори баҳоланди. Ишончимиз комилки, ШХТнинг бўлажак Тошкент саммити жафокаш афғон диёрида тинчлик ва осойишталик қарор топиши йўлида муҳим воқеа бўлиб қолади. Давлатимиз раҳбари жорий йил 27 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисидаги маърузасида Афғонистон масаласига яна бир қарра тўхталиб ўтдилар.

Ўзбекистон айнан шу жиҳатларни эътиборга олиб, БМТ, ЕХТ, НАТО/ОЕАП, МДХ ва ШХТ доирасида ўтказилаётган халқаро ҳамда минтақавий анжуманларда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган амалий ташаббусларини доимий равишда баён қилиб келмоқда.

ШХТ ўз фаолиятида минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш йўлидан бормоқда.

Ташкилот дунёда ва минтақада турли ҳарбий-сиёсий тўқнашулар хавфини бартараф этиш, халқаро терроризм, диний экстремизм ва сепаратизм ҳамда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши, уюшган жиноятчилик-

ка қарши кураш сингари мақсадларни ўз олдига вазифа қилиб қўйган.

Шу тариқа, ШХТнинг бўлажак Тошкент анжумани ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий барқарорлик муҳитини яратиши билан тарихда муҳрланиши шубҳасиздир. Ташкилотнинг Тошкент саммити бу «Тошкент руҳи»нинг давоми ҳамдир. «Тошкент руҳи» - бу тинчлик, миллий тотувлик, эзгулик ва дўстлик деганидир.


**Қобилбек
КАРИМБЕКОВ,
ЎЗМТРК сиёсий
шарҳловчиси**

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Чин компютери

Хитой суперкомпьютери суперкудратга айланмоқда.


Хитойда ишлаб чиқилган суперкомпьютер илк бор дунёдаги энг кучли 500 та компьютерлар рўйхатининг энг юқори ўнлигига кирди. Рўйхат Гамбургда ўтган суперкомпьютерлар Миллий анжумани чоғида нашр этилган. Шэнчжэндаги Миллий суперкомпьютерлар марказида ишлаб чиқилган Nebulae компьютерлари ҳар икки йилда тузиладиган энг кучли суперкомпьютерлар рўйхатида иккинчи ўринни эгаллаган. Хитойда ишлаб чиқилган суперкомпьютернинг максимал тезлиги 1,2 петафлопни ташкил этган, петафлоп бир сонияда минг триллион амалиётга баробардир. Бу аввалги натижага нисбатан икки баробар кўпдир. Хитойда суперкомпьютерлардан саноат тадқиқотлари, нефть ишлаб чиқариш ва дизайн соҳаларида фойдаланилади.



Сотув режаси бажарилди

Япония «Nissan Leaf»га тушаётган буюртмалар 6 мингдан ортиб кетган.

Ана шу тарафда «Nissan Leaf» электромобилининг маҳаллий бозордаги бир йиллик сотув режаси аллақачон бажариб қўйилган. Эслатиб ўтамиз, «Nissan» янги электромобилини Японияда 3,76 миллион евродан сотмоқда. Экологик транспорт сотувини қўллаб-қувватлаш давлат дастури бўйича эса мазкур автомобилларни 2,99 миллион еврога сотиб олиш мумкин, деб ёзади «Газета.Ру».



Сўнгги 5 йилда

Рейтер хабарича, Бангладеш пойтахти Дакканинг аҳоли зич яшайдиган маззеларидан бирида рўй берган ёнгин оқибатида 100 нафардан зиёд инсон nobуд бўлган.

Кўп қаватли турар жой биноларидан бирида бошланган ёнгин тез орада бошқа биноларга ҳам ўтган. Айтилишича, ёнгин электр трансформаторининг портлаши натижасида бошланган. Ёнгин охириги беш йил ичидаги энг кучлиси, дея айтилмоқда. Лекин жаҳоннинг аҳоли энг зич яшайдиган шаҳарларидан бири бўлган Даккада ёнгинлар тез-тез рўй бериб туради.

«Мудҳиш хато»

Туркия бош вазири Тайип Эрдоган халқаро ҳамжамиятини Исроилга нисбатан санкциялар белгилашга чақирган.

Туркия ва Исроил ўртасидаги муносабатлар 31 майда Ҳазо минтақасига бораётган кемаларнинг халқаро гуманитар конвойига Исроил ҳарбий-денгиз кучларининг ҳужумидан сўнг кескинлашган. Ушанда 9 нафар инсонпарварлик ёрдамларини етказишни мақсад қилган фаоллар ҳалок бўлган, улар орасида Туркия фуқаролари ҳам бўлган. Норозилик чиқишлари Париж, Лондон, Истанбул, Нью-Йорк ва Покистоннинг бир неча шаҳарларида бўлиб ўтган. Исроилнинг кўплаб нашрларида кемадаги 9 кўнгилнинг ўлдирилиши ҳарбий амалиётдаги муваффақиятсизлик, дея баҳоланмоқда. Кўплаб исроилликлар амалиёт «мудҳиш хато» эканлиги ҳақидаги фикрга қўшилдилар. Сўнгги маълумотларга кўра, 7 июнь куни Исроил ҳарбий денгиз кучлари ғаввослар кийимида Ҳазо қирғоқлари бўйлаб кемада ўтаётган камида тўрт фаластинликни отиб ўлдирган. Фаластиндаги тиббий манбаларга кўра, тўрт кишининг жасади топилган, аммо яна икки киши бедарак йўқолган. Ҳалок бўлганларнинг бари қуролланган бўлган.



Янги давлат бюджетети

Германия янги бюджет сиёсатини тақдим этади.

Мамлакат канцлери Ангела Меркель бошчилигидаги ҳукумат махсус йиғилиш доирасида 2011 йил бюджетини тайёрлаш ва 2014 йилга қадар давлат молияси соҳасидаги асосий йўналишларни ишлаб чиқиш бўйича иш олиб бормоқда. Шарҳловчиларнинг фикрича, муҳокама қилинаётган лойиҳани Иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг катъий дастур сифатида баҳолаш мумкин. Лойиҳа инқироз оқибатларини бартараф этишга тайёргарлик, деб ҳам аталмоқда. Унда давлат секторидаги 15 минг ходимни қисқартириш ва солиқлар миқдорини ошириш назарда тутилмоқда.



Афғонистон фаровонлиги учун

Афғонистон пойтахти Кобулада қавм ва қабила оқсоқоллари иштирокидаги тинчлик жирғаси ниҳоятда етган.

Пойтахтда тўпланган мамлакатнинг бир ярми мингдан ортиқ қабила ва қавм раҳбарлари Толиблар билан тинчликка эришиш йўллари топиш борасидаги Президент Ҳамид Карзай таклифини қўллаб-қувватлашган. Қизгин мунозаралар билан ўтган уч кунлик мажлис сўнггида Афғонистон Лоя жирғаси ёки тинчлик кенгаши иштирокчилари қуроллардан воз кечган толибларни авф этиш ва уларга иш ўринларини топишга оид режаларни қабул қилишган. Мутахассислар айтишича, бу адашган айрим афғон ёшларга ўз ҳаётларини қайта бошлашлари, мамлакат равнақи, халқнинг фаровонлиги йўлида хизмат қилишда муҳим омил бўлади.

Кумри НАЖИМОВА,
Интернет хабарлари асосида тайёрлади

РАНГИН ДУНЁ

Қадимги Хитойда одамлар парраклари тез айланганда осмонга учадиган ўйинчоқларни ниҳоятда хуш кўришган. XVI асрда яшаган италиялик ихтирочи ва расом Леонардо да Винчи (1452-1519) ўз даврида вертолётга ўхшаш учувчи мослама чизмасини чизган эди. Францияда ака-ука Монгольфлар ўзлари ихтиро қилган ҳаво тўлдирилган шарда илк бор 1783 йили самога парвоз қилишади. Орадан яна 17 йил ўтиб, Генри Гиффор двигатели дирижабли ихтиро қилади.

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
«Milliy tiklanish» мухбири


XX аср бўсағасида бир қатор компаниялар одамларни дирижаблда саёҳат қилдириш билан шуғуллана бошлашди. Лекин, ҳаво шарни водород газини билан тўлдирилгани боис, уни бошқариш ўта эҳтиёткорликни талаб этарди. Чунки, шар ёрилиб, ерга қулаши эҳтимолдан холи эмасди. Кейинроқ бахтсиз ҳодисалар кўпайгани сабабли дирижаблда учини қатъиян таъқиқланди.

1880 йилга келиб ички ёнув двигателлари ихтиро қилинганидан сўнг, учувчи бошқарадиган авиапланерлар пайдо бўлган. Тарихий маълумотларга қараганда, дастлабки самолёт патенти 1882 йили А.Можайскийга берилган. Бироқ, унинг самолёти баландга парвоз эта олмаган. Энг биринчи ҳақиқий парвоз 1903 йили АҚШнинг Шимолий Каролина штатида амалга ошади. Ака-ука Уилбр ва Орвилл Райтлар «Флайер» номли илк аэроплани ихтиро қилиб, ҳавода 12 секунд давомида 36 метр масофага учиган мушарраф бўлишган. Орадан яна 5 йил ўтиб, уларнинг мукамаллашган аэроплани 75 минут самода парвоз қилади. Ҳозирги кунда «Биринчи Флайер» аэропланининг ҳақиқий нусхаси Вашингтон музейида сақланмоқда.

Ихтирочи В.Татаринов ҳукумат ва бир қанча ҳомийлар ёрдами билан самолёт қуриш учун маълум миқдорда пул тўплайди. Уша даврда Россия бу кашфиётга катта умид боғлаган эди. Аммо, Татариновнинг омади чопмади. У ихтиро қилган самолёт парвоз қилолмай ерпарчин бўлади. Худди шу йили ака-ука Райтлар Россияга ўз самолётларини ишлаб чиқариш таклифи билан келишади. Бироқ, ҳукумат ўз миллий авиациясини яратишга

Илк парвоз

ИНСОН МИНГ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА КЎККА ПАРВОЗ ҚИЛИШНИ ОРЗУ ҚИЛГАН. ЛЕКИН ФАҚАТ XX АСРГА КЕЛИБ ИНСОНИАТНИНГ БУ ОРЗУСИ АМАЛГА ОШДИ



ахд қилгани боис, уларнинг таклифини рад этади. Бу муҳим топириқ офицерлар М.Агапов, Б.Голубев ва В.Шабск зиммасига юкланади. Энг қизиғи, лойиҳа муаллифлари бўлган самолёт ҳақида ҳеч бир тасаввурга эга эмас эдилар. Шунинг учун ҳам кетма-кет уринишлар авиациялоқат билан якунланарди. 1910 йилнинг 4 июнь куни Киев Политехника институти профессор, князь Александр Кудашев ўзи ихтиро қилган биплан-самолётда бир неча ўн метрга уча олади. Шу институтнинг ёш авиаконструктори Игорь Сикорский ҳам 16 июнь куни ўзининг самолётда само узра парвоз қилади.

Самолётлар билан бир қаторда вертикал парвозни амалга оширувчи қурилмани ихтиро қилиш ҳаракати ҳам бошланиб кетади. Вертолёт 1907 йили Пол Корну томонидан ихтиро қилинган. Аммо, унинг камчиликлари кўплиги боис лойиҳа амалга ошмайди. 1924 йили франциялик ихтирочи Этинн Оехмикэзнинг яратган вертолётни бир километр масофани босиб ўта олганидан сўнг вертолётни такомиллаштириш янада ривожлана бошлади. Мана энди вертикал парвоз ушалмаган орзу эмас, айна ҳақиқатга айланади.

Тарих зарварақларида Игорь Сикорскийнинг номи «вертолётлар отаси» сифатида қадрлаб келинади. Бу номга у фақат дастлабки вертолётни ихтиро қилгани учунгина эмас, балки, у яратган вертолёт келажақдаги бошқа лойиҳа-

ларга асос бўлгани учун ҳам эришган. У ихтиро қилган самолёт 1910 йили муваффақият қозонганидан сўнг, олим вертолёт устида ҳам иш бошлайди. 1940 йили замонавий вертолётлар кўринишидаги VS-300 вертолёт моделини яратди. Шунингдек, унинг биринчи ХР-4 ҳарбий вертолёт АҚШ ҳарбий армиясига тақдим этилади.

Дарҳақиқат, авиация соҳаси анча меҳнат ва машаққатлар эвазига ривожланди ва самолётлар ҳозирги, замонавий тусга кирди. Бугунги кунга келиб, ҳатто ёқилғисиз, қуёш нури энергияси эвазига парвоз эта оладиган самолётлар ҳам яратилди. Айни пайтда олимлар самолётларнинг фақат осмон узра учушига эмас, балки, коинотга парвоз этишига катта умид боғлашмоқда.



◆ **КАДРИЯТ**

Қаҳрамонимиз ёшлигидан бувисининг урчуқ йиғиришини завқ билан томоша қилган. Айниқса, чархдаги ипакнинг нафис товганини уни ҳайратга солган бўлса, эндиликда ўзи ҳам гилам, шолча, жойнамоз, хуржун каби буюмларни тўқишни, сўзана тикишни ҳамда заргарлик ишларини бувисидан ўрганиб келаётган Анара Эшназарова хунарманд ёшларимиз сирасига қиради.

Чет эллардан ҳам буюртмалар тушмоқда

КАШТАЧИЛИК ВА СЎЗАНАНИНГ СУРХОНДАРЁЧА УСУЛИ

Дилфуза РЎЗИЕВА,
«Milliy tiklanish» муҳбири

Анара пойтахтда туғилиб вояга етган бўлса-да, ҳар йили ёзги таътилни Сурхон воҳасининг Денов туманида ўтказишди. Аввало бу ердаги сўлим боғлар қўйнида дам олишнинг гаши бошқача. Қолаверса, бувисининг уйида йиғилган хунарманд аёлларнинг гилам учун қуйган ўрмаги, ип йиғириш, каштачилик усуллари, сари урчуқ йиғириш ва турли тўқиш-бичиш ишларини ўзлаштириш ҳам унга ўзгача завқ бағишлайди.

Анара набира-қизларим ичида зукколиги, миллий хунармандчилигимизга бўлган қизиқиши ва укувлилиги билан ажралиб туради, дейди сеvimли бувиси, ҳам устози Кунсулов ая Чориева. Анара имкон бўлди деганча мендан кўпроқ хунар сирларини ўрганишга ҳаракат қилади. Унинг болалигидаги



қизиқишлари вақтинчалик ҳавас, катта бўлиб бирор замонавий соҳага қизиқиб кетади, деб уйлагандим. Бироқ, иштиёқи ўткинчи бўлмади. Иқтисод йўналишида таълим

олаётган бўлса-да, набирам хунармандчилиқни янада чуқурроқ ўрганишга киришди.

Менга дугоналарим танлаган соҳанг қийин-ку, фақат қўл меҳнати керак, бошқа иш би-

лан шуғуллансанг бўларди, дейишди. Уларга, ҳар бир соҳанинг ўзига яраша қийинчиликлари бор, деб жавоб бердим. Лекин шундай бўлса-да, сержило кашталар мени ўзига оҳанграбодек тортаверди.

Инсон бирор касб-хунарга қўл урар экан, унинг тарихини ҳам ўрганиб боради. Бу ҳақда Анара шундай дейди:

Қадимдан ажодларимиз ҳеч бир либосни безаксиз кийишмаган. Яъни тўн, ятак, дўппи, белбоғ ва оёқ кийимларга эркак ва аёлнинг ёши, либосининг турига қараб рамзий нақшлар билан кашта тикилган. Парда, ёстиқ ва уй ичкарисидаги девор чиройли кўриниши учун сўзаналарга жуда катта эътибор берилган. Ўзбек хонадонларининг кўпчилиги аёллари каштачиликдан ташқари, гилам тўқиш билан ҳам хиддий шуғулланган. Бунда ҳар бир вилоятнинг ўз услуби, йўналиши бўлган. Масалан, Сурхон воҳасида тўқилган гиламлар чизиқларининг ораси қисқа бўлиб, асосан тўқ жигар ранг, қизил, қора, оқ ва сариқ ранглар қўлланади. Қўлда тўқилган бу каби гиламлар сурхондарёликларнинг хонадонидан жой олган.

Қаҳрамонимиз юртимизда хунармандларга яратилаётган шарт-шароитдан унумли фойдаланган ҳолда, касаначилиқни йўлга қўйди. Айни пайтда «Анара — соғлом авлод» кичик хусусий корхонаси фаолият юритмоқда. Унда эллиқдан зиёд хотин-қизлар хунармандчилик билан шуғулланадилар.

КЎЗГУ

Корхонамиз маҳсулотлари миллий кийим-кечаклар бўлгани боис, ҳамisha харидорлар назарида, дейди Анара. Айниқса, зарчопону сўзаналаримиз келинчақлар сепини беэмоқда. Бундан ташқари, тиккан буюмларимиз билан пойтахтда ўтказиладиган «Ташаббус», «Базар-арт» сингари нуфузли танловларда, халқаро кўргазмаларда мунтазам қатнашиб келамиз. Натижада, маҳсулотларимиз чет элликларни ҳам қизиқтириб қўйди. Ҳозирнинг ўзида маҳсулотларимизга Германия, Италия, Россия сингари мамлакатлардан буюртмалар тушмоқда. Келажакда корхонамиз фаолиятини янада юксалтириш, маҳсулотларимизни хорижга экспорт қилиш, шу орқали миллий қадриятларимиз намуналарини дунёга танитиш ниятидамиз.

Ҳа, доно халқимиз «Бўладиган бола бошидан маълум», деб бежизга айтмаган. Анара бувисининг дастёри бўлиш билан бирга, ўқишда ҳам фаол талабалардан. У «Етакчи қизлар клуби» аъзоси, бу ерда қизлар билан бирга миллий хунармандчилик бўйича кўргазмалар олиб боришда бошчилик қилади.

Миллий қадриятларимизни келажак авлодга етказиётган, касаначилик ва миллий хунармандчилигимизни ривожлантиришда ўз хиссасини қўшаётган Кунсулов ая ва набираларининг ишлари хунармандчиликка меҳр қўйган ёшларимизга куч ва шижоат бахш этса, ажаб эмас.

ЎГИТ

Ер ҳалолдир - беҳиёнат ҳар маҳал,
Экканингни қайтариб бергай тугал.

Бу жаҳон - тоғ, фезлу-атворинг - нидо,
Ул нидони сенга қайтаргай садо.

Жалолдин РЎМИЙ

БИЛАСИЗМИ?

Сицилия ороли сўнгги тўрт йил ичида Апеннин ярим оролидан шимоли-ғарбга силжиб бораёпти. Оролни қитъадан ажратиб турувчи Мессис буғози эса бунинг эвазига янада кенгаймоқда.


Эни 400 ва узунлиги 5625 километрга чўзилган сувости дарёси олимлар томонидан 1952 йили кашф этилган. Мазкур сув оқими-га Кромвел номи берилган. Сувости дарёсининг оқим тезлиги энг улкан Миссисипи дарёсидан 1000 баробар кўп экан.

Тўлқинларнинг энг кучли мавжланишини Янги Шотландия ярим ороли (Канада) ҳамда Мэн штати (АҚШ)ни бир-биридан ажратиб турувчи Фанди буғозидан кузатиш мумкин.

ТУРФАОЛАМ

Куёш батареясида учади

Швейцариялик аэроавт Бэртран Пикар куёш батареяларида ишловчи «Солар Импульс» самолёти прототипини омма эътиборига ҳавола қилди.



Кўринишдан «Боинг-747»ни эслатувчи мазкур ҳаво транспорти Цюрих шаҳридан унча узоқ бўлмаган аэродромда намоиш этилган. Ушбу учиб воситасининг қанотларига вази 400 юз кг. бўлган ўн икки мингта куёш батареяси ўрнатилган. Ундаги тўртта мотор ҳатто кечаси ҳам ўнча от кучи билан ишлай олади. Самолёт биринчи марта шу йилнинг сўнгги ойларида синовдан ўтказилди. У кўнамасдан икки куну бир кеча уча олади. Бэртран Пикарнинг фикрича, 2012 йилга келиб «Солар Импульс» ер шари бўйлаб парвозга кўтарилади.

Улкан кўзиқорин

Россиялик ва германиялик миколог (кўзиқориншунос)лар ҳамкорлигида Олтой ўлкасидаги кўриқхона ҳудудидан илгари Россияда учрамаган улкан кўзиқоринларни топишди.

2008 йилнинг ёзидан бери давом этаётган тадқиқотлар нихоят ўз натижасини берди. Ўн тўққиз нафар таниқли миколог «Кизил китоб»га қиритилган *amylepiota lignicola* замбурғидан ташқари, *entoloma callichroum* ва *mellitiosporiella pulchella*, *mellitiosporium propolidoides*, *ionomidotis irregularis* каби камёб турларни топишди. Бундан ташқари, *dasyscyphella pilosissima* кўзиқорини илгари дунёнинг бор-йўғи икки минтақасида мавжуд деб ҳисоблаб келинарди. Энди уларнинг қаторига учинчи бўлиб Олтой ўлкаси қўшилди. Умуман олганда, Телетс кўлининг шимолий қирғоқлари ва Камга кўлига яқинидан жами бўлиб 500 дан кўпроқ кўзиқорин навлари топишган.



Ўта қадимий қуш

Австралиянинг шимолида ўта қадимий баҳайбат қуш-расми чизилган қоятош топишди.

Тўғрироғи, Арнем-Ленд платосидан топишган ушбу қоятошда иккита гениорнис қуши акс эттирилган. Биологларнинг айтишига қараганда, бундай баҳайбат қушлар бундан бир неча минг йиллар аввал қирилиб кетган экан. Шунданми, гениорнис олимлар томонидан мамлакатнинг ўта қадимий қуши сифатида тан олинди. Манбада келтирилишича, қоятошда акс этган баҳайбат қушлар кўринишдан замонавий Эму туяқушига ўхшаб кетаркан. Уша давр «рассом»лари уни табиий қизил бўёқлар ёрдамида чизишган. Шунингдек, қоятошда бошқа кўплаб ёввойи ҳайвонларнинг расми ҳам туширилган. Бироқ, олимлар асосий эътиборни гениорнис қушлари чизилган расмга қаратишмоқда.

Мадина САБРИЕВА тайёрлади

Газетанинг келгуси сони 23 июнь кuni чиқади.

«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси



2010 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна давом этаётганлигини маълум қилади.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотлар ва юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ватанимиз маънавий-маданий ҳаётидаги янгиланишлар ва воқеалар, хорижий мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан ва мунтазам танишиб бораман десангиз вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг! Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда: 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

ҚР Нукус (3612) 22-88-68	Самарқанд (3662) 34-22-53
Андижон (3742) 22-29-89	Сирдарё (3672) 25-47-70
Бухоро (3652) 25-47-49	Сурхондарё (3762) 27-49-03
Жиззах (3722) 22-40-01	Тошкент вил. (3712) 233-13-04
Қашқадарё (3752) 25-40-27	Фарғона (3732) 24-29-22
Навоий (4362) 23-26-86	Хоразм (3622) 26-63-75
Наманган (3692) 26-29-80	Компания бўлими 234-85-99

Обунага кўмакчи — «Матбуот тарқатувчи»

VATAN TUVG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АХМЕДОВ, Голиб-шер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Мухаммаджон ҚУРОНОВ, Фафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолдин САФОВ

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун тахририят жавобгарлиқни ўз бўйнига олмайди.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
e-mail: milliy@sarkor.uz

Газета ҳафтанинг чоршанба кuni чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 523, Адади — 5444

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371)
234-69-55, 234-87-74,
234-87-73, 234-86-41
ФАКС: 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ
офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:
Ақбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Дилноза ХАЙИТОВА
Навбатчи:
Махбира АБДАЛОВА

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида chop этилди.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.20.